



ПАЙҒАМБАРИМИЗДАН
(алайҳиссалом)

400

ОЛТИН СЎЗ



86.38
97.15

ПАЙҒАМБАРИМИЗДАН 400 ОЛТИН СЎЗ



Тошкент, 2013.

УЎК: 297.1

КБК: 86.38

П 15


Ушбу китобдан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Муслим, Имом Аҳмад, Абу Довуд каби улуг муҳаддисларнинг асарларидан, шунингдек, мазҳаббошимиз Имоми Аъзам Абу Ханифанинг "Муснад" китобидан саралаб олинган тўрт юз ҳадиси шарифнинг таржимаси ўрин олган.

Пайғамбаримиздан 400 олтин сўз/ нашрга тайёрловчилар: Йўлдош Эшбек, Абдумурод Холмурод ўғли; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: "Movarounnahr", 2013. – 104 б.

Нашрга тайёрловчилар:
Йўлдош Эшбек,
Абдумурод Холмурод ўғли

Масъул муҳаррир:
Шайх Абдулазиз Мансур

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1193-рақамли
тавсияси билан chop этилди.



ЎК:297.1
КБК:86.38

ISBN 978-9943-12-218-5

© Абдумурод ТИЛАВОВ

© «Movarounnahr» нашриёти, 2013

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

(ёхуд “400 олтин сўз” ҳақида мухтасар сўз)

Расулуллохнинг ҳадислари (соллаллоху алайҳи ва саллам) одамларни ҳар соҳада энг тўғри йўлга бошлайдиган, ҳаёт мазмун-моҳиятини теран тушунтириб берадиган, ҳар қандай масала-муаммоларни ечишга дастур бўладиган бебаҳо маънавий хазинадир. Аллохга беадад шукрлар бўлсин, биз шу хазинадан, Пайгамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) муборак ҳадисларидан баҳраманд бўладиган кунларда яшаб турибмиз.

Ҳадисларда поклик, тоза эътиқод, маънавий юксак мезонлар, оилавий хотиржамлик, ризққа қаноат, тўғрилиқ ва умуман, кишига чин маънодаги комил инсон бўлиб яшаши учун нима лозим бўлса, барча-барчаси мужассамдир.

Бугун бизни болалар тарбияси кўп ўйлантирмоқда. Фарзандларимизнинг оқил, ориф, олим бўлишини хоҳлаймиз. Шу боис уларга яхши ният билан айнан шундай исмларни кўямиз.

Бироқ фарзанднинг гўзал фазилат эгаси бўлиши учун, аввало, ота-онанинг ўзи унга оилада намуна бўлиши керак. Абдуллох ибн Амрдан (розияллоху анху) ривоят қилинган бир ҳадиси шарифда Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Сиздан бирингиз боласига бир нарса ваъда этса, бажарсин”, дея бежиз марҳамат қилмаганлар. Чунки ёлғончилик, ғийбат, ваъдага вафо қилмаслик ва шунга ўхшаш турли фиску фасодларга айнан оила муҳитидаги тарбиянинг ёмонлиги сабаб бўлади. Биз кўпинча хархаша қилаётган

Пайғамбаримиздан 400 олтин сўз

ёш болаларимизни овутиш учун ҳар хил шириндан-ширин ваъдаларни берамиз. Бола йиғидан тўхтагач, бу ваъдамиз мутлақо эсимиздан чиқиб кетади. Оқибати нима бўлади?! Оилада бола шу ёлғон ваъдаларга кўникиб улғаяди. Ваъда бериб, бажармаса ҳам бўлар экан, деган хаёлга боради. Шу маънода Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайхи ва саллам) биз юқорида келтирган ҳадиси шарифлари жуда муҳим огоҳлантиришдир.

Азизлар, ушбу “Пайғамбаримиздан 400 олтин сўз” дея номланган қўлингиздаги китобда бугунги кунимиз учун ниҳоятда зарур бўлган ҳикматлар жамланган. Албатта, биз бундаги кўпгина ҳадисларни аввал ўқиган ёки эшитган бўлишимиз мумкин. Бироқ буни ўқиб қўйиш ёки эшитиб қўйишнинг ўзи етарли эмас. Муҳими – амал.

Тинчлик-хотиржамликка, маънавий-маърифий юксак камолот мақомларига тарғиб-ташвиқ қилгувчи “Пайғамбаримиздан 400 олтин сўз”ни ўқиб, уқиш, ўқиб, амал қилиш сиз азизларга муборак бўлсин!

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
*Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси ўринбосари*



1. Абдурахмон ибн Абу Амрадан (розияллоху анху):

“Саъд ибн Убода Аллоҳ Расулидан (соллаллоху алайҳи ва саллам) сўради:

– Онам вафот этди, унинг номидан бир қул озод этсам, унга фойдаси тегадими?

Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам):

– Ха, – дея жавоб бердилар” (Имом Молик “Муватто”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Баъзи кимсалар марҳум (ҳаётлигида) фақат ўз қўли билан қилган хайрларидан фойда кўражagini иддао этсалар-да, бу ҳадис марҳум номидан садақа беришининг жоиз ва мақбул эканига ишорат этмоқда.

2. Ҳазрат Анасдан (розияллоху анху):

“Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам), бир товоқни вақтинча ишлатиб туриш учун олдилар. Товоққа зарар етди.

У зот (соллаллоху алайҳи ва саллам) товоқ бадалини эгаларига тўладилар” (Термизий ривояти).

3. Ҳазрат Абу Заррдан (розияллоху анху):

“Аллоҳ Расулидан (соллаллоху алайҳи ва саллам) сўралди:

– Қандай қулни озод этмоқ фазилатли ва савоблироқдир? Жавобан марҳамат этдилар:

– Энг қадрли баланди ва эгалари наздида энг аҳамиятлиси, энг яхши кўргани, энг қимматлиси” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Қилинган эҳсонлар, садақалар нафс ёқтириб, хуш кўрадигани, афзали бўлиши фазилат ва мақбулият ўлчови сифатида кўрсатишмоқда. Шу тариқа нафс ёқтирмаган, қадрсиз нарсалар садақа қилинишининг олди олинмоқда.

4. Фотима бинти Қайсдан (розияллоҳу анҳо):

“Аллоҳ Расулидан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўрадим:
– Муовия билан Абу Жаҳм менга уйланмоқчи (қайси афзал?) – дедим.

Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

– Абу Жаҳм калтагини елкасидан қўймайди, (у хотинини уради, азоблайди). Муовиянинг эса (оила тебратадиган) бир даромади йўқ. Сен Усома ибн Зайдга турмушга чиқ” (Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривоятлари).

Изоҳ:

Бу ҳадисда аёлини урувчи, шисиз, тайинсиз, оила тебратишини истамаган, даромадсиз эркакларга турмушга чиқмаслик тавсия этилмоқда.

5. Самурадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Олган қўл олган нарсасига, қайтаргунича жавобгар (масъул)дир” (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

6. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Алқамадан, у Ибн Бурайдадан, у отасидан ривоят қилади. Ибн Бурайданинг отаси айтди: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни саҳобаларидан сўрадилар:

– Жаннат аҳлининг тўртдан бири бўлишга розимисиз?

– Ҳа, – дейишди саҳобалар.

– Жаннат аҳлининг учдан бири бўлишга розимисиз?

– Ҳа...

– Жаннат аҳлининг ярми бўлишга розимисиз?

– Ҳа...

Ҳазрати Пайғамбаримиз марҳамат қилдилар:

– Сизга муждалар бўлсин! Жаннат аҳли бир юз йигирма сафдир. Шундан саксон сафи умматимдир” (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

7. Соиб ибн Язиддан (розияллоҳу анҳу):

“Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Уҳуд куни устма-уст кийилган икки зирҳдан фойда топдилар” (Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари).

Изоҳ:

Аллоҳ таоло Расулини (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонлар ёмонлигидан кўриш хабарини берган бўлса-да, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жангда ҳимоя тадбирларини қўллаб, умматига бу соҳада ҳам раҳбар ва ўрناق бўлдилар.

8. Баро ибн Озибдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Хола она мақомидадир” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

9. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Михвал ибн Рошиддан, у Муслим Битгиндан, у Саид ибн Жубайрдан, у Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтди: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат этдилар: “Аллоҳ таоло наздида Зулҳижжа ойининг илк ўн кунидан хайрли кун йўқ. Бу кунларда Аллоҳни кўп зикр қилингиз” (*Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган*).

10. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Али ибн Акмардан, у Абу Жухайфадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Абу Жухайфа (розияллоҳу анҳу) айтди: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Мен суяниб (ёнбошлаб) овқат емайман, балки қул егани каби ейман ва қул ичгани каби ичаман. Ажалим етиб, вафот этгунимга қадар Раббимга ибодат қиламан” (*Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган*).

11. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ҳар пайгамбарга фақат инсонлар ишона оладиган нарсалар жинсидан мўъжизалар берилди. Менга берилган мўъжиза эса Куръондир. Менга Аллоҳ уни ваҳий этди. Шу сабабли Қиёмат куни бошқа пайгамбарлардан кўра эргашувчилари энг кўп пайгамбар бўлишимга умид қиламан” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

12. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Алқамадан, у Ибн Бурайдадан, у отасидан ривоят қилади. Ибн Бурайдининг отаси

айтди: Расулulloх (соллalloху алайхи ва саллам) бундай дедилар: «Кул хайрли ишлар қилаётганида хасталаниб қолса, Аллох таборака ва таоло фаришталарига: “Кулимга соғлигида қиладиган амалларининг савобини ёзинг”, дейди».

Бир ривоятда бунга қуйидаги лафз қўшилган:

“Йўлиққан касаллигининг савоби билан бирга ёзинг”
(Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

13. Жумай ибн Умайр Таймийдан:

“Ҳазрат Ойшадан (розияллоху анҳо):

– Қайси аёл Пайғамбаримизга (соллalloху алайхи ва саллам) кўпроқ севимли эди? – дея сўралди.

– (Қизи) Фотима, – дедилар.

– Эркаклардан-чи? – дейилди.

– Фотиманинг эри (Али).

Зеро, билишимча, у кўп рўза тутар, кўп намоз ўқирди”
(Термизий ривояти).

14. Ҳазрат Алидан (розияллоху анху): Аллох Расули (соллalloху алайхи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Кишининг амакиси отаси ўрнидадир” (Термизий ривояти).

15. Абу Мусодан (розияллоху анху):

“Расулulloхнинг (соллalloху алайхи ва саллам) асҳоби бўлган бизларга ҳар қачон ҳадис изоҳи кийин келса, дарҳол ҳазрат Ойшадан сўрардик. У эса бизга бу хусусда аниқ бир маълумот беради” (Термизий ривояти).

16. Ибн Аббосдан (розияллоху анхумо): Аллох Расули (соллalloху алайхи ва саллам) айтдилар:

“Неъматлари билан озиқлантиргани учун Аллохни севинг! Мени ҳам Аллоҳга бўлган ишқингиз сабабли севинг. Аҳли байтимни эса менинг уларга бўлган муҳаббатим сабабли севинг” (Термизий ривояти).

17. Разиндан (розияллоху анху): Аллох Расули (соллalloху алайхи ва саллам) дедилар:

“Шафоатим умматимдан катта гуноҳлар қилганлар учундир!” (Термизий ва Абу Довуд ривояти).

18. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ ҳеч бир кунда Арафа кунидагичалик кўп қулни дўзахдан қутқармайди” (*Муслим ва Насоий ривояти*).

19. Абу Молик Ашъарийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аллоҳ сизни уч ҳолдан ҳимоя этди:

1. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаммангизни ҳалок этувчи баддуосидан.

2. Ботил аҳлининг ҳақ устига қатъий шаклда устунлик ўрнатишидан.

3. Заллат атрофида бирлашишингиздан” (*Абу Довуд ривояти*).

20. Абу Саиддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Уммагимдан баъзилар борки, жаннатга киришлари учун бутун-бутун қабилаларни шафоат этади. Баъзилари борки, бир қабилани шафоат этади. Баъзилари борки, бир жамоа инсонларни шафоат этади. Баъзилари эса фақат бир кишини шафоат этади” (*Термизий ривояти*).

21. Талха ибн Убайдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

«Кунларнинг энг афзали арафа кунидир. Дуоларнинг энг афзали ҳам арафа куни қилинган дуодир. Менинг ва мендан аввалги пайғамбарлар сўзлаган энг фазилатли сўз эса: “Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ”, яъни: “Аллоҳ бир, ундан бошқа илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ” сўзидир!» (*Имом Молик “Муватто”да ривоят қилган.*)

22. Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Қайси бир мусулмон жума куни ёки кечаси вафот этса, албатта, Аллоҳ уни қабр фитнасидан сақлайди” (*Термизий ривояти*).

23. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Фарз намозларидан кейин энг фазилатли намоз тунги намоздир” (*Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти*).

24. Ҳазрат Жобирдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Кечада шундай бир соат борки, мусулмон бир кишининг Аллоҳдан дунё ва охиратга оид бир яхши дуоси ўша соатга тўғри келса, Аллоҳ унга тилаганини мутлақо берур. Бу соат ҳар кечада бор” (*Муслим ривояти*).

25. Абу Саиддан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Зиёрат учун фақат уч масжидга саёҳат этиш мумкин: Ҳарам масжиди, Расулulloҳ масжиди, Аксо масжиди...” (*Бухорий, Муслим ва Термизий ривояти*.)

26. Микдод ибн Асваддан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Шубҳасизки, энг бахтиёр киши мўминлар орасида чикқан фитналардан ўзини тортган, ўзини тийган кишидир. Қандай саодатли у!” (*Абу Довуд ривояти*.)

Изоҳ:

Исломотинчилик-хотиржамликка, меҳр-муҳаббатга, ўзаро ёрдам ва иззат-ҳурматга буюради. Мўминларнинг фиқҳу фужур, фасод, ғавғо, ғалаён, бузғунчилик, бошбошдоқлик, тартибсизлик билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги тарғиб этилмоқда.

27. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Ҳаммоддан, у отасидан, у Қайс ибн Муслимдан, у Торик ибн Шихобдан, у Ибн Масъуддан (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Аллоҳ таоло ўлим ва қариликдан бошқа, барча касалликларнинг давосини яратган. Сизга сигир сутини (ичишни – Тарж.) тавсия этаман, чунки сигир барча ўсимликлардан ейди” (*Имом Абу Ҳанифа “Мунад”да ривоят қилган*).

28. Савбондан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Мен пайғамбарларнинг муҳри (яқунловчиси)ман. Мендан сўнг пайғамбар йўқ” (Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти).

29. Мусо ибн Улайй ибн Рабоҳдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Садақаларнинг энг каттаси (ажрашган ёки эри вафот этганлиги сабабли) сеникига қайтиб келган ва сендан бошқа кун кечирини, тирикчилигини таъминлай олмайдиган қизингга ҳомий бўлмоғингдир” (Ибн Можа ривояти).

30. Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу):

“Абдуллоҳ ибн Умарнинг ёнида қиз болалари бўлган бир одам уларнинг ўлимини тилади. Шундан сўнг ибн Умар қизишиб, хафа бўлиб, унга шундай дедилар:

– Уларнинг ризқини сен беряпсанми?” (Бухорий ривояти.)

31. Ибн Абу Нўъмондан (розияллоҳу анҳу):

“Бир одам Ибн Умардан пашшани ўлдириш ҳукмини сўради. Ибн Умар:

– Кимлардансан? – деди.

Киши:

– Ироқлилардан, – деди. Ибн Умар:

– Уни қаранг, мендан пашша ўлдиришнинг гуноҳини сўрамоқда! Ҳолбуки, булар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) набираси Хусайнни ўлдиришди. Мен Аллоҳ Расулининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганларини эшитдим:

– Бу иккиси (Ҳасан билан Хусайн) дунёда менинг икки гул чечагимдир” (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

32. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Абдуллоҳдан, у Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) айтди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Аллоҳ таоло седанани, қон олдиришни, асални ва ёмғир сувини шифоли қилган” (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

33. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳу):

– “Ё Расулulloҳ! Менинг икки кўшним бор. Улардан қайсинисига ҳада киргизай?

– Сенга эшиги энг яқин бўлганига...” (Бухорий ва Абу Довуд ривояти).

34. Нофеъ ибн Абдул Ҳорисдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Кенг уй, солиҳ кўшни ва ювош улов мусулмон кишининг бахтиёрлиги, тинчлик-хотиржамлигидандир” (Имом Аҳмад ва Ҳоким ривояти).

35. Абу Мусодан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Инсон кўшнисини, қариндоши, ака-укаси, опа-сингилсини ва отасини ўлдирмагунча (ўлдиражак қадар зolimлашмагунча) киёмат кўпмайди” (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

36. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу):

“Саҳобалар сўрашди;

– Фалончи аёл фарз намозларини ўқийди, садақа сифатида ёғи олинган пишлок тарқатади, ҳеч кимга азият бермайди. Бу аёл тўғрисида нима дейсиз?

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жавоб бердилар:

– Бу аёл жаннатийдир!” (Ҳоким ривояти.)

37. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу):

“Фалончи аёл кечани ибодатда, кундузларни рўзадор кечиради, меҳнат қилади, садақа ҳам тарқатади, аммо тили билан кўшниларга озор етказади, – дейилди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

– У аёлда яхшилик йўқ, жаҳаннамийдир” (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

38. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Етим-есирлар эҳтиёжини кеткизмоққа шошган кишилар – Аллоҳ йўлида жиҳод қилганлар, кундузи рўза тутиб,

кечани ибодат билан кечирганлар кабидир” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

39. Кабиса ибн Бурма Асадийдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Дунёда яхшилик қилганлар охиратда яхшиликка эришадилар. Дунёда ёмонлик қилганлар эса, охиратда ёмонликка дуч келади” (*Бухорий “Ал-адабул муфррад”да ривоят қилган*).

40. Абу Барза Асламийдан (розияллоху анху):

“Ё Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)! Мени Жаннатга киритадиган бир амални менга кўрсатинг, дедим. Дедилар:

– Инсонларнинг йўлидан уларга зарар берувчи нарсаларни йўқот!” (*Муслим ва Ибн Можа ривояти*.)

41. Абу Масъуд Ансорийдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Хайрли бир ишга йўл кўрсатиб, сабабчи бўлганга, ўша хайрли ишни бажарганнинг савобича мукофот берилади” (*Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

42. Муовия ибн Абу Суфёндан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Кишилардан айб ахтариб, (ковлаштириб) текширсанг, уларни бузган бўласан” (*Абу Довуд ривояти*).

Изоҳ:

Айб ва қусур изламоқ инсоний муносабатлардаги ўзаро ёрдам, иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббатни йўқотади. Қусур кўрган инсон қусурли бўлган инсондан совийди, ўз навбатида қусур изланган, текширилган киши ҳам қусур тафтишчисидан нафратланади.

43. Абдурахмон ибн Алидан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

Устида чордоғи бўлмаган (ёки усти ўралмаган) кўриқчисиз, хавфли уйда ухлаган шахс учун ҳеч ким жавобгар бўлмайди (чунки ўзини-ўзи таҳликага ташлаб қўймоқда) (*Абу Довуд ривояти*).

Изоҳ:

Инсон хасталикларга, бало-қазоларга қарши ишончли чоралар кўриб қўйиши, ҳаётини таҳликага ташламаслиги, тадбирсизликдан узоқ туриши лозим. Бу исломнинг қатъий амрларидандир.

44. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо):

“Саҳобалар бир қўй сўйишди. Бир тиланчи келди, бир миқдор эт бердилар, яна келувчилар бўлди, уларга ҳам бердилар, гўшт барибир ортиб қолди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўрадилар:

– (Сўйган) қўйингиздан бизга қанча ортиб қолди?

– Фақат биргина елкаси қолди, – дейишди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

– Елқадан ташқари қўйнинг ҳамма жойи бизга қолибди”
(*Термизий ривояти*).

45. Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“*(Кечаси ётаётганда) уйларингизда оловни (ёник) қолдирмангиз! Чунки у душмандир. (Тадбирини кўриб, кейин ётинг)*” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

46. Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ўзаро савдолашувчилар то ажралишгунча ихтиёрлидилар (савдони бузиш ҳуқуқига эгадилар). Ҳар иккиси тўғри сўзлаб, мол айбини ошқора айтиб савдо қилсалар, савдолари баракали бўлур. Агар ёлғон гапириб, мол айбини яширсалар, савдо баракаси йўқолур” (*Имом Бухорий ривояти*).

47. Ҳазрат Алидан (розияллоҳу анҳу):

“Биз хом саримсоқ еб, оғзи сасиган ҳолда жамоат ичига кирмоқдан ман этилдик” (*Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

48. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо):

“Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг сўнги еган таомида (пишган) пиёз бор эди” (*Абу Довуд ривояти*).

Изоҳ:

Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хом пиёз ва саримсоқ емасдилар. Фақат пишган саримсоқ ва пиёз еганлари ҳадисдан англашшмоқда. Чунки пишганда пиёз ва саримсоқнинг ҳиди кетади.

49. Ҳазрат Умар ва Абу Убайддан (розияллоҳу анҳумо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Зайтун ёғини истеъмол қилинг ва у билан ёғланинг (суринг). Чунки у муборак дарахтдан (олинган)дир” (Термизий ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадис зайтун ёғи истеъмол қилиш, тери оғриганда суринса ҳам, жуда фойдали экани, озиқ-овқатга ишлатилганда яхши озуқа экани айтилмоқда.

50. Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу):

“Табиб ва Аллоҳнинг Расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) насронийлар тайёрлаган бир бўлак пишлоқ келтиришди. Бир пичоқ сўрадилар. “Бисмиллоҳ”ни айтиб, едилар” (Абу Довуд ривояти).

51. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Муслимдан, у Иброҳимдан, у Масруқдан, у Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади. Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) айтди: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир касални кўришга борганларида: “Эй инсонларнинг Рабби, касалликни кетказ. Шифо бергувчи ёлғиз Ўзингсан. Сендан ўзга шифо бергувчи йўқ. Касаллик қолдирмайдиган шифо бер”, деб дуо қилдилар» (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

52. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Муҳаммад ибн Мункадирдан, у Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Жобир (розияллоҳу анҳу) айтди: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сен ва сенинг молинг отангникидир”, дедилар» (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

53. Жобир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ҳар бир хасталикнинг бир давоси бор. Касалликнинг дориси тўғри келса, Аллоҳ таолонинг изни билан киши ўша дардига шифо топар” (*Муслим ривояти*).

Изоҳ:

Аллоҳ яратган ҳар бир хасталикка Шофий исми билан бир даво яратгандир. Инсон шу дорини топмоққа, тўғри даволашига ҳаракат қилмоғи керак.

54. Зайд ибн Асламдан, у Бани Дамралик бир кишидан, у отасидан (розияллоху анху):

“Аллоҳнинг Расулидан (соллаллоху алайҳи ва саллам) ақиқа тўғрисида сўрашди.

– Мен уқуқ (ота-онага оқ бўлиш)ни севмайман (шу сўз-ни хушламагандек айтдилар). Ким фарзандли бўлса, унинг туғланига жонлиқ сўймоқ истаса, буни адо этиши мумкин”, дедилар (*Имом Молик “Муватто”да ривоят қилган*).

Изоҳ:

Янги туғилган болага соғломлик ва яхшилик умидида жонлиқ сўйиш жоиз экани ифода этилмоқда.

55. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллох) Зиёддан, у санадини Ҳазрати Пайғамбарга (соллаллоху алайҳи ва саллам) етказган ҳадисда бундай дейилади: “Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳар бир мусулмоннинг мусулмонга самимий бўлишини буюрдилар” (*Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган*).

56. Микдом ибн Маъдиқарибдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“*(Инсон меъдасининг) учдан бирини таомга, учдан бирини сувга берсин, учдан бирини эса бемалол нафас олмоғи учун бўш қўйсин*” (*Термизий ва Ибн Можа ривояти*).

Изоҳ:

Жуда ҳам тўйиб овқатланишдан сақланиш кераклиги уқтирилмоқда.

57. Абу Хурайрадан (розияллоху анху):

“Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч вақт ҳеч қандай таомдан айб топмасдилар. Иштаҳалари тортса, ердилар, хушламасалар, тарк этардилар” (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

58. Авф ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу):

– “Ё Расулulloҳ! Мен бир одамга учрасам, у мени иззат-икром қилмаса, кейин у менга учраса, мен унга у менга қилгандай муомалада бўлайинми? – дея сўралди.

Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жавоб бердилар:

– Йўк, сиз уни иззат-икром қилинг!” (*Термизий ривояти*).

59. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Зиёддан, у Усома ибн Шарикдан ривоят қилади. Усома (розияллоҳу анҳу) деди: “Мен Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида бўлганимда бадавийлар у кишидан сўрашди:

– Ё Расулalloҳ! Инсонга берилган энг яхши нарса нима?

Жаноб (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар:


– Гўзал хулқ” (*Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган*).

60. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Нофеъдан, у Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) айтди: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: “Аллоҳ наздида исмларнинг энг севимлиси “Абдуллоҳ” ва “Абдурраҳмон”дир” (*Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган*).

61. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Нофеъдан, у Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) айтди: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Яхшилик чиримайди, ёмонлик унутилмайди” (*Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган*).

62. Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Химмат ёрқиндан инсонларнинг энг юксаги ҳам дунё, ҳам охирига ишига химмат кўрсатган мўминдир” (*Ибн Можа ривояти*).



63. Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Уч киши бир сафарга чиқсалар, албатта, ораларидан бирини бошлиқ тайин этсинлар” (Абу Довуд ривояти).

Изоҳ:

Ислонда жамоат бўлиб адо этиладиган ишлар, маслаҳат билан, тартиб билан боиланиш кераклигига ҳадисда ишора этилмоқда.

Уч киши бўлса ҳам бир жамоани ташкил этганлар. Яхши натижага эришиш интизомни сақлаш учун ораларидан бир кишини бошлиқ этиб тайинлашлари лозим.

64. Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Қўшниси оч бўла туриб, ўзи тўқ қолда тунаган кимса, комил мўмин эмас” (Ибн Аби Шайба ривояти).

Изоҳ:

Мўмин зиммасида яқинлари, атрофидагиларга нисбатан жавобгарликлари, мажбуриятлари бор. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, дўст-биродарларга меҳр-муҳаббатсиз, ҳамдард бўлмаслик, муҳтожларга ёрдам бермаслик мусулмонга асло ярашмайди.

65. Абу Дардодан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ота – жаннатнинг ўрта(сидаги) эшигидир” (Термизий ва Ибн Можа ривояти).

66. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ҳеч бирингиз ўлимни истамангиз... Агар яхши бўлсангиз, (яшаб) балки яхшилигингиз ортур, ёмон эсангиз, балки тавба қилиб қоларсиз” (Бухорий ва Насоий ривояти).

67. Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) Атиййадан, у Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) айтдилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Инсонларга ташаккур этмаган Аллоҳга

шукр қилолмайди”, дедилар» (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

68. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ҳар туғилган бола мутлако ислом фитратида туғилади, лекин ота-онаси уни яҳудий, насроний ёки маъжусий айлайди” (Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти).

Изоҳ:

Боланинг моддий ва маънавий таълим-тарбиясида ота-онанинг ўрни ва масъулиятига ишорат этилмоқда. Ҳар гўдак маъсум туғилади. Унинг эътиқоди ва ахлоқини аввало, ота-она шакллантиради. Яъни, бола тақлид йўли билан ота-онасининг эътиқодига, ишончига юзланади, йўналади, қабул қилади, ўзлаштиради.

69. Жобирдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Қайси хасталик хасисликдан каттарок бўла оларди?!” (Бухорий ривояти.)

70. Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) Алқамадан, у Ибн Бурайдадан, у отасидан ривоят қилади. Ибн Бурайданинг отаси айтди: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Яхшиликнинг қилинишига йўл кўрсатган (сабабчи бўлган одам – Тарж.) ўша яхшиликни қилган кабидир”, дедилар» (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

71. Муовия ибн Жоҳима Саламийдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Онангга яхшилик қил! Чунки, жаннат оналарнинг оёқлари остидадир” (Имом Аҳмад, Насоий ва Ибн Можа ривояти).

72. Фазола ибн Убайддан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Асл мужоҳид Аллоҳ йўлида ўз нафси билан жанг қилган кишидир” (Термизий ривояти).

73. Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) Ҳасан Шаъбийдан ривоят қилади. Шаъбий айтди: Нўъмондан эшитдим, у Расулulloҳ-

нинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўминлар бир–бирларини севишда, ўзаро бир вужуд кабидир. Агар бош оғриси жасаднинг ҳаммаси унга қўшилиб, уйқуси қочади ва ҳарорати ошади”, деганларини эшитганини айтди (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

74. Бишр Ҳанафийдан (розияллоҳу анҳу):

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Абдуррахмон ибн Хозимдан ривоят қилади. Абдуррахмон ибн Хозим айтди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаброил менга қўшни ҳақида шунчалар тавсия бердики, қўшни-қўшига меросхўр бўлса керак, деб ўйладим. Жаброил менга тунги намоз (таҳажжуд – Тарж.) (ўқиш)ни шундай тавсия қилдики, умматимнинг энг яхшилари жуда оз ухласалар керак, деб ўйладим”, дедилар» (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

75. Абдуллоҳ ибн Аби Авфодан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Душман билан тўқнашишни орзу этманг. (Шафқатсизлик ва изтироб ўрнига) Аллоҳдан офият-тинчлик, хотиржамлик тиланг, аммо борди-ю, душман билан тўқнашишга мажбур бўлиб қолсангиз, (жанг машаққатларига) сабр этинг, бардош кўрсатинг” (Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти).

Изоҳ:

Душман билан жанг қилиш машаққат ва изтиробларини исташ, орзу ҳавас этиладиган ҳол эмас. Аллоҳдан доим офият, тинчлик-хотиржамлик, осойишталик, ҳузур-ҳаловат тиламоқ зарур. Фақат жанг қилмоқ мажбуриятида қолгандагина, сабр-бардошли бўлмоқдан бошқа йўл йўқ.

76. Саҳл ибн Саъд Соидийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳнинг ризосини ўйлаб бир кун худудга қоровуллик, посбонлик қилмоқ дунё ва ичидаги ҳамма нарсалардан хайрлироқдир” (Бухорий ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадисда Ватанни, маҳаллани, эл-юртни кўрмоқ, мўминларни душман истилосидан ҳимоя қилмоқ хизмати Аллоҳ ри-

зоси учун қилинса, нақадар буюк бир хизмат, савобли амал эканига ишорат бор. Бундай шарафли вазифада ўлган шаҳидлик рутбасига сазовор бўлади, тирик қолган эса ғозийлик даражасини қўлга киритади.

77. Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Кимки бир ёмонликни кўрса, уни қўли билан, агар кучи етмаса, тили билан қайтарсин. Бунга ҳам кучи етмаса қалби билан ёмон кўрсин (дилдан нафратлансин), бу имоннинг энг заиф ҳолидир” (Муслим ривояти).

Изоҳ:

Олимлар ёмонликка феълий аралашши аввало давлатнинг ишончли кучларига оид эканини айтадилар. Тил билан етказиши, билдириши, олимларнинг, зиёлиларнинг вазифасидир. “Қалбан ёмон кўриши” деганимиз ички қаршилик барча мўминлар бурчидир. Ёмонлик қилганларни тил билан огоҳлантириши мушкул. Ноқулай бўлганда бу мавзуда ваколатли маъмуриятга зарур билдириши бериб, ёмонликка қалбан қўшилмасликларини кўрсатишлари керак.

78. Абу Дардо (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Биздан бир ҳадис (хукм) эшитиб, ўрганиб, аниқ билиб олгач, ўша маълумотни айнан эшитганидай бошқага етказганинг юзини Аллоҳ ёруғ қилсин!” (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Доримий ривояти.)

Изоҳ:

Бу ҳадис диний билим ва ҳукмларни гўзал ва тўғри ўрганиб, бошқаларга ҳам шундай ўргатиши муҳимлигига ишорат этмоқда. Киши аниқ ўрганганини бошқаларга ҳам шундай ўргатишига эришмоғи керак.

79. Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анху):

Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга малол келмасин деб, ўғит, ваъз айтмоқ учун энг уйғун вақтни танлардилар. Маълум кунларни белгилаб қўйгандилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Осонлаштирингиз,

қийинлаштирмангиз! Хушхабар айтингиз, қизиқтирингиз, нафратлантирмангиз (диндан бездирмангиз)! – деганлар” (Бухорий ривояти).

Изоҳ:

Насиҳатда энг муҳим жиҳат одамларни айтилаётган ҳақиқатлардан зериктирмаслик, зада қилмасликдир. Аксинча, ўша ҳақиқатларни яшамоққа шавқ ва истак уйғотиши керак.

80. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ҳақиқий бойлик мол-мулк кўплиги эмас, кўз тўқлиги ва кўнгил бойлигидир” (Бухорий, Муслим, Термизий ва Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Кишининг кўзи тўймасдан, кўнгли ҳирс ва ҳасаддан аримасдан, ўзини бой ҳис этиши, тўқликка эришиши мумкин эмас.

81. Абу Ханифадан (розияллоҳу анху), у Абу Солихдан (розияллоҳу анху), у Умму Хонидан (розияллоҳу анҳо):

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар:

“Жаннатда Аллоҳ ўткир мушкдан, суви салсабил, дарахтлари нурдан, ичида ҳар бирининг етмиш кокили бўлган гўзал хурлар айланиб юрадиган шаҳар яратган. У хурлардан биттаси ер юзида кўринса эди, ғарб ва шарқни ёритар эди. Унинг хушбўй хиди осмон ва ер юзини тўлдирад эди.

Сўрашди:

– Ё Расулуллоҳ!.. Бу (шаҳар. – Тарж.) ким учун?

– Бу берган қарзини хушмуомалалик ва юмшоқлик билан сўраган киши учундир, – дея марҳамат қилдилар Расули Ақрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)”.

Бошқа бир ривоятда: “Агар бу хурлардан биттаси кўринса, ғарб билан шарқ орасини ёритарди. Осмон ва ер унинг муаттар хиди билан тўлар эди”, дейилади.

Яна бир ривоятда: Умму Хони айтди: Ҳазрати Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳнинг Арши остида очилган ўткир мушкдан яратилган бир шаҳар бор. У шаҳарнинг дарахтлари нурдандир. Суви салсабилдир. Унда кўзлари

катта-катта хурлар яратиб қўйилган. Ҳар бири етмиш кокиллидир. Улардан бирортаси шарқда кўринса, ғарбни ҳам ёруғ қилади”, деб марҳамат этдилар Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

82. Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аллоҳ ҳузурида энг севимли амал вақтида ўқилган намоздир!” (Бухорий ривояти.)

83. Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Имкони бўлгани ҳолда қурбонлик сўймаган киши бизнинг намозгоҳимизга яқинлашмасин” (Ибн Можа ривояти.)

84. Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ҳақиқий муҳожир Аллоҳ ман этганларни, ҳаромларни тарк этиб, ҳалолларини афзал кўрган кишидир!” (Бухорий, Насоий ва Ибн Можа ривояти.)

Изоҳ:

Ҳижрат, тарихий маънода Маккадан Мадинага кўчиш воқеасининг номи. Макка фатҳигача мўминларга тушган энг буюк вазифа, энг фазилатли иш ва ҳаракатдир. Макка фатҳидан сўнг тарихий маънодаги ҳижрат ўртадан кўтарилди, аммо ҳаромларни тарк этиб, ҳалолларга амал қилиш фазилати қиёматга қадар давом этадиган маънавий ҳижрат ўрнини олди.

85. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ордан (розияллоху анху): Аллоҳ Раули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Дунёнинг энг хайрли неъматини солиҳа хотиндир” (Муслим ва Насоий ривояти.)

Изоҳ:

Солиҳа аёл диёнатли, оила ҳаётида жуфти билан бирга болаларига нисбатан кўнгли шафқатга, меҳр-муҳаббатга тўлиқ аёлдир. Шундай аёл жуфти ҳалоли учун дунёнинг энг хайрли неъматидир.

86. Ибн Амрдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Бир чумчүкни ҳақсиз ўлдирган кишидан Аллоҳ қиёмат куни ҳисобини сўрайди” (*Насоий ва Доримий ривояти*).

87. Асмо бинти Язиддан (розияллоҳу анҳо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Сизнинг энг хайрлиларингиз кўринган вақтларида иззат ва жалол соҳиби Аллоҳни ёдга соладиган кишилардир” (*Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти*).

Изоҳ:

Ҳадисда мўминнинг кўриниши, ички ва ташқи дунёси, тили ва дили мутаносиб бўлишига ишорат бор. Мўмин мард, жўмард, танги, вафодор, фидокор, ўз сўзининг эгаси, ёрдамсевар, хушхулқ, сеvimли бўлиши керакки, уни кўрганлар дарҳол Аллоҳни хотирласин, унинг Аллоҳ амрларини ихлос билан адо этаётганини ўйласин.

88. Ибн Амрдан: (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Бир зиммийни ноҳақ ўлдирган киши жаннатнинг ҳидини ҳам тотмайди” (*Бухорий, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривояти*).

89. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Орзу ва ҳавасларингиз мен келтирган (ислом ўлчовлари)-га мувофиқ келмагунча ҳеч бирингиз етук мўмин бўлолмасиз!” (*Нававий “Арбаъин”да нақл қилган.*)

Изоҳ:

Киши нафсининг ҳар орзу этганига бўйин эгар экан, Аллоҳ истаган ва рози бўладиган банда бўла олиши имконсиздир.

90. Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Қиёмат куни мусулмонларнинг менга энг яқин бўладиганлари менга энг кўп салавот айтганларидир” (*Термизий ривояти*).

Изоҳ:

Салавот Аллоҳнинг Расулини (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳурмат ва муҳаббат билан хотирламоқ, у зотга раҳмат ва эсонлик дуосида бўлмоқдир. Мўмин ҳаётида ҳазрат Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюк ўрни бор.

91. Абу Алқамадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аллоҳ бу умматга ҳар юз йилда улар учун динни янгилайдиган бирини юборур” (Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилган).

Изоҳ:

Бу ҳадис ҳар асрда умматнинг фикрий ва маданий жиҳатдан янгилашишини ўнглайдиган, янги эҳтиёжларига ечимлар келтирадиган бир мужаддид Аллоҳ томонидан юборилишини айтмоқда. Мужаддид янги ҳукм чиқармайди, қўйилган ҳукмлардаги ўзгарган ва жавоб берадиган шаклда янги шартлар, изоҳлар, тушунтиришлар, тузатишлар келтиради.

92. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ, ким умматимни бошқариш билан алоқадор бир вазифани зиммасига олиб, уларга машаққат қилса, Сен ҳам уни машаққатга қолдир, машаққатга қўй.

Ким умматимни идора этишда қулайлик, осонлик кўрсатиб, юмшоқ муомала этса, Сен ҳам унга қулайлик, осонлик кўрсат, хушмуомала эт!” (Муслим ривояти.)

Изоҳ:

Исломда инсонларга осонлик, қулайлик кўрсатишнинг қулайлиги таъкидланмоқда.

Чунки, қулайлик динни инсонларга севдириш тамойилларидан, негизларидан асосийсидир.

93. Ҳузайфа ибн Ямондан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Мен Муҳаммадман, мен Аҳмадман. Раҳмат ва тавба Пайғамбариман” (Имом Аҳмад ривояти).

Изоҳ:

Ислом дини инсониятга раҳмат хушxabари, гуноҳ ва қусурлардан покланиш василаси эканига ишорат этилмоқда.

94. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Менинг бу масжидимга ўрганадиган ёки ўргатадиган бир хайрни қўлга киритиш ўйи билан келган киши Аллоҳ йўлида ҳаракат этувчи ҳукмидадир. Ўрганиш ва ўргатиш ниятидан ташқари бир тушунча билан масжидга келган эса, бошқа бировга оид нарсага қараб турган (томошабин, саёҳатчи) ҳукмидадир” (Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Масжидлар кириб, кўриб, чиқиб кетиладиган томошагоҳ эмаслиги айтилмоқда. Масжиддан ибодатгоҳ сифатида, яъни намоз ўқиш маскани сифатида фойдаланиш жуда муҳимлиги уқтирилмоқда.

95. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо):

“Пайғамбар ахлоклари Куръон эди” (Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривояти).

Изоҳ:

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хулқлари Куръонда таърифланганидек экани ва у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Куръондаги амрлар билан, шу амрлар асосида, шу амрларга итоатли яшаб ўтганлари ифода этилмоқда.

96. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аллоҳ сизларнинг ғийбат қилишингиздан, иқтисодий тангликда ва муҳтож бўлмаганингиз ҳолда, инсонлардан ёрдам сўрашингиздан рози бўлмайди” (Имом Молик “Муваатто”да ривоят қилган).

97. Абу Саиддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Кимки уч кизни боқиб, тарбиялаб, турмушга узатса ва уларга яхшилиқда бўлса, яхшилиқлар ва яхши дуолар қилса, унга жаннат бор” (*Бухорий, Абу Довуд ва Насоий ривояти*).

98. Ҳазрат Умардан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (солаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Шубҳасиз, Аллоҳ бу китоб (Қуръон) билан баъзи жамоатларни юксалтирур, баъзиларни эса туширур” (*Муслим, Ибн Можа ва Доримий ривояти*).

99. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (солаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Фоиз емайдиган киши қолмайдиган кунлар аниқ келажакдир. Бир одам фоиз емайдиган бўлса ҳам, барибир чанг-тўзонидан бир нарсалар унга юқажакдир” (*Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Ҳоким ривояти*).

Изоҳ:

Ҳадисдаги “чанг-тўзони” ифодаси фоиз шубҳаси, фоизга алоқадор ташвишлар маъноларида келмоқда. Иқтисодий турмушнинг фоизсиз кечмаслиги, тижорат чархлари фақат фоиз билан айланадиган кунлар келажакга ишорат этилмоқда.

100. Шаддод ибн Авсдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (солаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ ҳар ишда эҳсонни амр этгандир” (*Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривояти*).

Изоҳ:

Эҳсон – ишни гўзал, яхши, юқори савияли ва сифатли қилмоқ, замонавий ифодаласак, стандартларга мувофиқ маҳсулот бериш маъносида келмоқда.

Ислом стандартларга уйғун иш қилмоқни юқори савияда адо этмоқни амр этган. Стандарт ташқарисида қилинган ишлар инсонларни баъзи бир жиҳатлардан алдаш саналади.

(Албатта, стандартдан ташқари ва шароитдан ташқаридаги иш алдаш, алданиш. Стандарт ва шароит доирасидаги иш гўзалдир. Лекин эҳсоннинг турли маънолари бор. Масалан, яхшилиқ, лутф, хайр-садақа, сахийлик қилмоқ, гўзаллик, гўзал билмоқ, гўзал айламоқ ва ҳоказо. Исти-

лоҳда эҳсон – Аллоҳни кўриб тургандек ибодат этмоқ, эҳсон – Аллоҳ сени кўриб турганини билиб, ҳис қилиб ибодат этмоқдир. Аллоҳнинг ҳар мавзуда, ҳар ишда эҳсонни амр этиши, банда бу амалларини амрига (эҳсонга) мувофиқ адо этса, Аллоҳнинг ризосига эришган, ҳар ишини ибодат даражасига кўтарган, ибодатга айлантирган бўлади. Зеро, “мўминнинг ҳар хайрли (яхши) иши ибодатдир!” – *Таржимон изоҳи.*)

101. Имом Моликдан (розияллоху анҳу):

Марям ўғли Исо (алайҳиссалом) марҳамат этганлар:

“Сиз ўзингизни Тангри ўрнига қўйиб инсонларнинг гуноҳларига боқмангиз! Қул эканингизни билиб, ўз гуноҳларингизга боқингиз!” (*“Муватто”*.)

Изоҳ:

Инсонларни гуноҳлари туфайли ҳисобга тортувчи Аллоҳ таолодир.

Қулга лойиқ ҳол ўз гуноҳларини кўриб, бошқаларнинг гуноҳлари билан машғул бўлмасликдир.

102. Шаддод ибн Авсдан (розияллоху анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Бир хайвонни сўймоқчи бўлган вақтингизда шариятга мувофиқ, гўзал ҳолда сўйингиз. Бу ишга киришмоқчи бўлганингиз пичоғини яхшилаб ўткирласин (чархласин, қайрасин) ва сўйиладиган хайвонга азият бермасин” (*Муслим ривояти*).

103. Шаддод ибн Авсдан (розияллоху анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ақлли киши нафсини тергаб, сўроққа тутиб, охират учун киришиб, ҳаракат этган одамдир. Ожиз киши эса нафсини ҳаво ва ҳавасларга эргашиб, яна Аллоҳдан (раҳмат ва жаннат) орзу этиб, кутган кишидир” (*Термизий ва Ибн Можа ривояти*).

Изоҳ:

Ҳадисда ўлимни ўйлаб, охиратга ҳозирланмоқ оқиллик эканига урғу берилмоқда.

Ақлини ишлатмаганлар эса, нафсининг ғайри машру истакларини бажаргани ҳолда, Аллоҳдан раҳмат ва хайр кутишига ишорат этилмоқда.

104. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Жаҳаннам кабисини кўрмадим. Чунки ундан кўрқувчи ухламоқда. Жаннат кабисини ҳам кўрмадим. Зеро, унга эришмоқни истаган ҳам ухламоқда” (Термизий ривояти).

Изоҳ:

Жаҳаннамдан қутулмоқ, жаннатга қовулимоқ истаган киши бу истагига мувофиқ яшаб, амал қилишда ғайрат кўрсатиши керак. Жаннатга кирмоқ истаган, аммо жаннатга элтадиган амаллардан узоқ киши, жаҳаннамдан қутулмоқни истаган, лекин жаҳаннамга киритадиган ишларни қилувчи киши (қаттиқ) ғафлат уйқусидадир. (Зеро, огоҳлик (уйғониши, бедорлик, ҳушёрлик) – ғафлат уйқусидан уйғониши – Аллоҳдан қўрқиши, Аллоҳни севиши, Аллоҳдан умид қилиши, Аллоҳдан сўраб ёлвориши, Аллоҳни эслаши, Аллоҳ учун йиғлаши, Аллоҳ ризоси учун амал қилишидир.)

105. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ҳаромдан қоч, инсонларнинг энг кўп ибодат қилгани бўласан. Аллоҳ сенга ато этган ризққа рози бўл, инсонларнинг энг бадавлати бўласан. Ўзинг учун яхши кўрган нарсани, бошқа учун ҳам яхши кўр – ҳақиқий мусулмон бўласан. Кўп кулма. Кўп кулмоқ қалбни ўлдиради” (Термизий ривояти).

106. Абу Саиддан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Суринмаган (тўсиққа учраб, оёғи қоқилмаган) ҳилм соҳиби бўлолмас. Тажриба орттирмаган (ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрмаган) ҳикмат таъмини тотолмас!” (Термизий ривояти.)

Изоҳ:

Ақл ва мантиқ маҳсули бўлган ҳикматли ўйламоқ, тушунмоқ (тушунтирмоқ) тажрибага боғлиқ. Қийинчиликлар кўр-

маган, тўсиқларга дуч келмаган кишидан эҳтиёткорлик ва сабр-тоқат (ҳилм)ли муомалани кутиб бўлмайди.

107. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Мўмин яхши ниятли бўлгани учун алданади. Фожир эса нияти ёмон бўлгани учун алдайди” (Термизий ривояти).

108. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Мўмин бир жойдан икки (марта) таланмайди” (Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти).

Изоҳ:

Мўмин яхши ниятли ва софдир, шунинг учун баъзан алданади. Лекин у аҳмоқ ҳам эмас. Алданган жойига ўзини икки бор талатиб қўймайди.

109. Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ҳийлакор, хасис ва таънакорлар асло жаннатга кирмайди” (Термизий ривояти).

Изоҳ:

Инсонларни аввал ишонтириб, кейин алдаб кетувчи, яхшилик қилмайдиган, қилса-да, юзга солгувчи, хасис ва таъначилар ушбу ёмон феъл-атворлари ва хулқлари сабабли жаннатга киролмайдилар. Демак, жаннатдан умиди борлар бундай ёмон ахлоқларини тузатишга киришишлари керак бўлади.

110. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Мўмин хасталанган вақтда, Аллоҳ гуноҳларини поклайди, гўё маъдан эритиш ўчоғи темир зангини кетказганидай...” (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

111. Сахбарадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ким илм ўрганмоққа киришса, бу унинг ўтган гуноҳларига каффорат бўлади” (Термизий ривояти).

112. Ибн Журайждан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Мўминга тикан кирса ҳам, каттароқ мусибат етса ҳам каффоратдир!” (Бухорий “Ал-адабул муффрад”да ривоят қилган).

113. Абу Дардодан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Севган нарсанг сени кўр ва кар этади” (Абу Довуд ривояти.)

Изоҳ:

Инсон севгани ва тарафдори бўлган нарсанинг қусурини кўролмайди. У ҳақда совуққонлик билан муҳокама-мулоҳаза юритиб, ўз ҳолатини ҳам вазмин баҳолай олмайди.

(“Севгининг кўзи кўр бўлур” деган мақол қаер билан тута-шаётганини кўрмоқдамиз – Таржимон иловаси).

114. Яҳё ибн Саиддан (розияллоҳу анху):

«Марям ўғли Исо (алайҳиссалом) йўлда бир тўнғизга дуч келдилар.

– Қани, тинч-хотиржам ўт! – дея ҳайвонга йўл бердилар.

– Сиз бу сўзларни тўнғизга гапиряпсизми? – дея эътироз этишди.

Марям ўғли Исо (алайҳиссалом) жавоб бердилар:

– Мен тилимни ёмон сўзга ўргатмоқдан кўрқаман. Буни ёқтирмайман» (Имом Молик “Муватто”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Тилни ёмон сўзга, ғализ ва дағал ифодаларга ўргатмаслик кераклигига диққат берилмоқда.

115. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Жаннатга кирган киши шод, бахтиёр бўлгай. Ҳеч хафагарчилик кўрмас. Либоси ҳам эскирмас, ёшлиги ҳам тугамай-дир” (Муслим ривояти).

116. Ҳазрат Жундубдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Бир одам деди:

– Қасамки, Аллоҳ фалон одамни кечирмайди.

Аллоҳ эса бундай деди:

– Ким у фалон одамни кечирмаслигимга қасам ичган? Эй, билки, Мен уни кечирдим. Сенинг амалингни беҳуда этдим, йўққа чиқардим” (*Муслим ривояти*).

Изоҳ:

Киши Аллоҳ номидан ҳукм қилиб, бировни раҳматдан йироқ кўрмаслиги, ўзини эса кафолатланган ҳисобламаслиги лозим. Уни Аллоҳ ҳисобга тортмасидан, у ўзини ҳисобга тортиб, энг муҳтож кимса эканини ҳис этиши керак.

117. Саҳл ибн Саъддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Мўмин улфат этувчи ва ўзига улфат этилувчи кимсадир.

Улфат этмаган ва ўзига улфат сезилмаган кишида эса ҳайр йўқдир” (*Имом Аҳмад ва Табароний ривояти*).

118. Абу Мусодан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳ кундуз гуноҳ қилганларни афв этмоқ учун кечаси, кечаси гуноҳ қилганларни афв этмоқ учун эса кундуз (раҳмат) йўлини очур, то куёш мағрибдан чиққунча (қиёматгача)” (*Муслим ривояти*).

119. Абу Мусодан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Бизга қарши қуролланган биздан эмасдир” (*Бухорий, Муслим ва Термизий ривояти*).

Изоҳ:

Мўминнинг мўминга нисбатан қуролланиши меҳр-муҳаббат, мағнавий қариндошлик ҳақларига риоя этилмаган, салбий ҳолатдир. Исломи мўминлар орасидаги ғавғони, уруш-жанжални шу даражада тақиқлаганки, қурол қўллаш, қурол кўтариш у ёқда турсин, ҳатто қурол билан кўрқитишни ҳам гуноҳ санайди.

120. Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ким умматимдан бир одамни ўлдирмоққа келса, хавфда қолган одам суиқасдчига бундай десин:

– Қотил жаҳаннамда, мақтул (ўлдирилган) эса жаннатда бўлажақдир!” (Абу Довуд ривояти.)

Изоҳ:

Шуурли мўмин мўминни ўлдиришга интилмайдди, хаёлига ҳам келтиришдан қўрқади.

121. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Олувчи ва сотувчи нарх борасида ихтилоф қилганларида, икковининг ҳам далили бўлмаса ва мол (жойида) турган бўлса, сотувчининг гапи инобатга олинади. Ёки иккаласи ҳам бир-бирларига нарсаларини қайтариб беришади” (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

122. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Араб тупроқлари кенг ўтлоқлар ва дарёлар ҳолига айланмагунча қиёмат бўлмайди...” (Муслим ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадисда давримизнинг жаҳоний масалаларидан бўлган ялпи иссишга ва дунёдаги буюк иқлим ўзгаришларига (алмашишларига) ишорат бор.

123. Абу Саиддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Кўприк қилдан ингичка, қиличдан ўткирдир” (Бухорий ва Муслим ривояти).

124. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Банда биринчи намоздан сўралади. Инсонлар орасида илк ҳисобга тортила бошланажак даъволар эса қон даъволаридир” (Бухорий ва Термизий ривояти).

125. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ҳар пайғамбарнинг ўз умматига хос бир дуоси бор.

Мен ўз дуомни қиёмат куни умматимни **шафоат этиш** учун сақладим” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

126. Абу Айюбдан (розияллоҳу анҳу):

“Пайғамбардан (алайҳиссалом) бир бадавий бундай деб сўради:

– Ё Расулulloҳ, мен отни яхши кўраман. Ажабо, Жаннатда от бўлармикин?

Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

– Жаннатга кирсанг, сенга ёқутдан икки қанотли бир от келтирилади, унга миндириласан ва хоҳлаган жойингга учиб борасан” (*Термизий ривояти*).

127. Ҳориса ибн Ваҳбдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Жаннатга на дағал сўзлилилар кира оладилар. На такаббурлар оёқ боса оладилар” (*Абу Довуд ривояти*).

Изоҳ:

Жаннат ўзи, сўзи қўпол, дағал, бешафқат, дилозор кишиларнинг жойи эмас. Ҳар кимни хор ва ўзидан наст санаганлар жаннатни кўрмайдилар. Гурур ва кибр обидаси, рамзи бўлган кишиларга жаннатда жой йўқ.

128. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Жаҳаннам шаҳватлар билан ясанди. Жаннат эса машаққатлар билан безатилди” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

129. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Нафс ёқтирганини еявериш исрофдан ҳисобланади” (*Ибн Можа ривояти*).

Изоҳ:

Мўмин нафсоний орзуларни, истакларни бажаришида вазмин, эҳтиёткор бўлиш мажбуриятидадир. Ҳаром истакларга қарши чиқар экан, ҳалол истакларда ҳам ўртача бўлмоғи, исрофга йўл қўймаслиги шарт.

130. Мусъаб ибн Саъддан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аллоҳ бу умматга кучсизларнинг намозлари, дуолари ва ихлослари сабаби билан ёрдам этур” (*Бухорий ва Насоий ривояти*).

Изоҳ:

Кучлилар зафар ва муваффақиятларни ўз қувватлари билан қўлга киритганлари гумонига берилиб, заифларни хор ва ҳақир кўрмасин деб огоҳлантирилмоқда.

131. Саҳл ибн Муоздан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ота-онасига яхшилик этганга (жаннат) муқда (хушхабар) бўлсин! Азиз ва жалил Аллоҳ унинг умрига баракот берсин!” (*Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган.*)

132. Ҳазрат Ойшадан (розияллоху анхо):

Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай дердилар: Аллоҳ! Мени гўзал амал қилганида севингувчи (шукр этувчи)лардан, ёмон амал қилганида эса афв ва мағфират тиловчилардан айла!” (*Ибн Можа ривояти.*)

133. Ҳазрат Жобирдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

«Зикрнинг энг афзали “Ла илаҳа иллаллоҳ”дир. Дуонинг энг афзали эса “Алҳамдулиллаҳ” демоқдир» (*Термизий ривояти.*)

134. Абу Бакр ибн Ҳазмдан (розияллоху анху):

«Меҳр-муҳаббат ворислик йўли билан қозонилади. Отанинг меҳр-муҳаббат ва дўстлик муносабатлари ҳам авлод (фарзанд)-га мерос қолади» (*Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган.*)

135. Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

– “Аллоҳ! Куфрдан ва қарздан Сенга сиғинаман.

Бир одам сўради:

– Ё Расулуллоҳ! Қарзни куфрга тенглаштирялсизми?

Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жавоб бердилар:

– Ҳа” (*Насоий ривояти*).

Изоҳ:

Куфр ҳам, қарз ҳам инсоннинг моддий ва маънавий ҳаётига қаттиқ зарба ва дарз етказувчидир.

136. Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Тилни тийган нажот топади” (*Термизий ва Доримий ривояти*).

Изоҳ:

Тилни тийиш, бузғунчиликда ва озор беришда қўлламаслик, дунё ҳаётида тинчлик-хотиржамликка, келажақда, охирада эса жаннатга киришига сабаб бўлади.

137. Абдуллоҳ ибн Аби Авфадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ораларида силаи раҳм (қон-қариндошлик алоқалари)-ни узган жамоатга раҳмат ёғилмайди” (*Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган*).

138. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Мен лаънатловчи эмас, оламга раҳмат (таратувчи) бўлиб келдим” (*Муслим ривояти*).

Изоҳ:

Аллоҳ таоло Расулини оламларга раҳмат этиб юборгани Қуръонда марҳамат қилинади. Шундай зот фалокат ва ҳалокатлар, қирғин, қатағон тилашлари, инсонларни лаънатлашлари, баддуо қилишлари; исломда террорга изн беришлари мумкин деб ўйлаш оламларга раҳмат васфани инкор этиши бўлади.

139. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ким Аллоҳдан уч марта жаннатни сўраса, Жаннат шундай дейди:

– Аллоҳ, уни жаннатга қўй!

Кимки уч марта жаҳаннамдан Аллоҳга сиғинса, жаҳаннам шундай дейди:

– Аллоҳ, уни жаҳаннамдан қутқар!” (Термизий ва Насоий ривояти.)

140. Абу Дардодан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Закот исломнинг кўпригидир!” (Ҳайсамий ва Табароний ривояти.)

Изоҳ:

Закот Ислом жамоалари орасидаги кўприк саналади. У муносабатларни бир-бирига боғлайди. Оқибатларни мустаҳкамлайди, чорасиз ҳолларини яхшилайдди. Бойдан фақирга, кучлидан заифга, тўқдан очга, имконияти борлардан йўқсилларга ёрдам қилинади. Ўзаро меҳр-муҳаббат боғи, боғловчиси дир. Ўзаро иззат-ҳурматни орттирувчи восита дир. Намоз дин устуни бўлганидек, закот ҳам жамоат тирикчилигининг, бирлиги, тинчлик-хотиржамлигининг пойдеворидир, тамал тоши дир.

141. Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Қиш кунлари мўмин учун (гўё) илк баҳор мавсумидир” (Аҳмад ибн Ҳанбал ва Абу Нуайм ривояти).

Изоҳ:

Қиш кунларининг мўмин учун илк баҳор мавсумига ўхшатилиши ибодатда фурсат, имконият мўллиги, қулайлигидандир.

Узун кечалар намоз ўқишга, қисқа кунлар кундузлар рўза тутишга ташвиқ этилмоқда.

142. Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу):

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ражаб ойи кирганида бундай дуо қилардилар:

“Аллоҳ, Ражаб ва Шаббонни бизга баракотли қил! Ва бизни Рамазонга етказ!” (Дайлабий “Муснад”да ривоят қилган.)

Изоҳ:

Ибодат мавсуми бўлган уч ой аҳамияти, рамазон ойига етиш ҳаяжони ва севинчи шу дуода ифода этилмоқда.

Шуурли мўминлар жуда фойдали бўлган бу уч ойни беҳуда ўтказиб, ғафлатда қолмайдилар.

143. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ сизнинг суратларингизга ва мол-мулкингизга қарамайди, кўнглингизга ва амалларингизга назар солади, аҳамият беради” (Муслим ва Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Аллоҳ ҳузурида моддий, жисмоний гўзаллик ва бойлик ўз ҳолича қимматсиз. Аллоҳ икки нарсага назар солади, аҳамият беради. Бир – қўлнинг кўнгли софлиги, поклиги маънавий бойлигига. Иккинчиси – амал ва ибодат даражасига, сифатига.

144. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху):

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этадилар:

“Аллоҳим! Менга ўргатганларинг билан мени фойдалантир! Менга фойдали бўлганни ўргат, илмимни зиёда қил! Ҳар ҳол ва коримда, Аллоҳ, (Ўзинг)га ҳамд бўлсин! Жаҳаннам аҳлидан, Аллоҳ, (Ўзинг)га сиғинаман!” (Термизий ривояти.)

145. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Имон келтирмагунча жаннатга киролмайсиз. Бир-бирингизни севмагунча эса имон келтирган бўлмайсиз” (Муслим, Термизий ривояти).

Изоҳ:

Аллоҳга ишонмагунча, амрларини қабул қилмагунча жаннатга кириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Жаннат Аллоҳнинг ўзига ишонган ва итоат этган мўминларига сўнгсиз мукофот жойидир. Аллоҳга имон мўминларнинг бир-бирини севишларини, ҳурматлашларини тақозо қилади.

146. Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Қайсидир бир миллатга ўзини ўхшатмоққа киришган одам ўша миллатга мансуб ҳисобланади” (*Абу Довуд ва Имом Аҳмад ривояти*).

147. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Умматим ўзидан аввалги ва ўзидан бошқа умматларнинг маданиятини қаричма-қарич, қадам-бақадам таъкиб ва унга тақлид этмагунча қиёмат бўлмайди” (*Бухорий ривояти*).

Изоҳ:

Қиёматга яқин мусулмонларда пайдо бўладиган буюк бир маданий, миллий ўзгариш, узилиш, бегоналашишга ишорат этилмоқда.

148. Анас ибн Моликдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Мушрикларнинг оташи билан ёришмоққа ҳаракат қилманг!” (*Имом Аҳмад, Насоий ва Байҳақий ривояти*).

Изоҳ:

Олимларимиз бу ҳадисни Исломга зид ишонч, эътиқод ва маданиятларнинг ўлчовларига, эътиқодий асосларига, ҳаёт кечирishi тарзига эътибор этманг, ҳайрон қолиб, мафтун бўлиб, тақлид қилишига киришиб кетманг, ўзингизни ерга урманг, маъносида шарҳлаганлар.

Мўмин ёт маданият қаршисида ўз маданиятидан ор қилиб, тушкунликка тушмаслиги ва ўзини пастга уриш туйғусида қолмаслигига урғу берилмоқда.

149. Талха ибн Убайдуллоҳдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

«Менинг ва мендан аввалги пайгамбарларнинг энг фазилатли иқрори ва муштарак даъвати – “Ла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ”, яъни, “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У якка, ёлғиз, жуфти, тенги, шериги топилмас”, сўзидир» (*Имом Молик “Муватто”да ва Термизий ривоят қилган*).

Изоҳ:

Барча пайғамбарларнинг муштарак эътиқоди ва даввати тавҳид, яъни Аллоҳнинг бир эканидир.

Барча ҳақ динларда фуруот деганимиз амалларга боғлиқ ҳукмлар ўзгарса ҳам, ишонч тамаллари, эътиқод асослари собитдир, муштаракдир, ўзгармасдир.

150. Саҳл ибн Саъддан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Амаллар натижасига кўра баҳоланади” (Бухорий ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадисдан киши амалларининг кўриниши эмас, натижаси, оқибати, қандай тугаши муҳим экани англашилмоқда.

151. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳ, давомли яшайдиган жойимдаги ёмон кўшнидан ўзингга сиғинаман!” Насоий ривояти).

Изоҳ:

Дошмий яшайдиган жойидаги ёмон кўшни инсонга дунёни тор қилиб қўяди.

152. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Мусулмон биродарига паст назар билан қараши ўша кишининг ёмон эканига кифоядир!” (Муслим, Термизий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти.)

Изоҳ:

Инсон муносабатларида биринчи ўлчов суҳбатдошга одобли, ҳурматли муомала қилмоқдир. Суҳбатдошини, биродарини камситмаслиги керак.

(Нафақат суҳбатдошини, балки суҳбатдан ташқаридаги биродарини ҳам ортидан камситиб, ҳақир кўрмаслиги, пастга, ерга урмаслиги керак. Ҳадиснинг маъноси кенг, серқирра, уни “Кишининг биродарини камситиши унинг ёмонлигига етарли далилдир” ёки “...ёмонлик сифатида етарлидир” тарзида тар-

жима қилсак ҳам балки бўларди, лекин ҳадис кишининг бу ёмон сифати икки томонга; суҳбатдошига ҳам ёмонлик бўлиб етиши, ўзига ҳам ёмонлик бўлиб қайтишига ишорат этмоқда).

153. Жобир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу): Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, энг афзал амал қайси?” деб сўрашди. У зот: “Сабр ва кечиримлилик”, дедилар. Улар яна: “Мўминларнинг имони комилроғи қайси?” деб сўрашди. У зот: “Хулқи чиройлиси”, деб жавоб қилдилар (*Ибн Аби Шайба ривояти*).

154. Шаддод ибн Авсдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Динингиздан биринчи йўқотадиганингиз омонатдир” (*Абу Довуд ривояти*).

155. Амр ибн Осдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ҳеч шубҳа йўқки, Исломи кишининг мусулмон бўлишдан олдин қилган барча гуноҳларини ўчиради” (*Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривояти*).

Изоҳ:

Мусулмон бўлмаган киши Исломига кириши билан дунёга янги келгандек – онадан туғилгандек бўлиши ўтмишидаги барча хато ва гуноҳларини Аллоҳ кечирishi хушxabари берилмоқда.

Бу афв муждаси куфр ва залолат қоронғиликлари ичида қолганларга буюк бир ҳидоят ташвиқи, барча гуноҳлардан покланиши кафолатидир.

156. Молик ибн Анасдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Сизга қанча мустаҳкам тутсангиз, шунча йўлдан айирмайдиған, чиқармайдиған икки омонат қолдирдим: Аллоҳнинг китоби ва Расулининг суннати” (*Имом Молик “Муваатто”да, Ҳоким “Мустадрак”да ва Абу Довуд ривоят қилган*).

157. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ким Аллоҳ учун ўзини камтар олса, Аллоҳ уни кўтаради” (*Абу Нуайм “Ҳилия”да ривоят қилган*).

158. Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Барчангиз чўпон (рахбар)сиз ва яна барчангиз боқишга мажбуриятингиз бўлган сурув (қарамоғингиздагилар, қўл остингиздаги)лардан масъулсиз” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Киши фақат ўзигагина эмас балки яқин атрофидагиларнинг ҳам ҳақ йўлида яшаши, таълим-тарбияси, тўғри ҳаёт кечириши учун масъулдир.

Чўпон боқадиган сурувини унутиб, ўз ҳолига ташлаб қўйиши мумкин эмас.

159. Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Парвардигор сифатида Аллоҳни, дин сифатида Исломи, пайгамбар сифатида ҳазрат Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) танладим, деб қаноатда бўлган киши ўзига жаннатни ҳақдор этган кишидир!” (Абу Довуд ва Насоий ривояти.)

Изоҳ:

Бу ҳадисда кишининг ухровий келажагини кафолатлайдиган уч асос берилмоқда. Албатта, бу афзалликлар сўздагина қолиб кетмай, Аллоҳга бандалик, Илом амрларига, Расулуллоҳга итоат билан моҳиятан тўлдирилмоғи зарур.

160. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Муслмон бўлган нажот топгандир. Ўзига, тирикчилигига етажак қадар ризқ берилган ва Аллоҳнинг бу ато этган (неъмат)ларига қаноат этишни билган ҳам нажот топган, қутулгандир” (Муслим ривояти).

Изоҳ:

Муслмон бўлиб, ҳаётга оқил кўз билан боқа бошлаган инсон дунё ва охирада қутулишга, озодликка эришган, нажот топган саналади.

Дунё ҳаётида бахтиёрликнинг бир шарти эса энг кам (деганда) эҳтиёжларини қоплайдиган даромадга эга бўлмоқ ва Аллоҳ ато этган неъмат ва имконлар билан кифояланишни билмоқ ва тирикчилигини бажармоқдир.

161. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Кимнинг ёмонликларидан қўшниси эмин бўлмаса, жаннатга киролмайди” (Муслим ривояти).

162. Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Илм талабидаги кишининг ризқига Аллоҳ таоло кафилдир” (Имом Абу Ханифа “Муснад”да ривоят қилган).

163. Муоз ибн Жабалдан (розияллоху анху):

“Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этадилар:

– Эй Муоз, Аллоҳнинг қуллари (зиммаси)даги ҳақи недир, биласанми?

– Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади.

– Ҳеч бир нарсани Унга шерик қўшмасдан Аллоҳга қуллик қилмоғидир.

– Қулларнинг Аллоҳдаги ҳақлари недир, биласанми?

– Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади.

– Аллоҳнинг уларга азоб бермаслиғидир!” (Бухорий ва Муслим ривояти.)

164. Салмони Форсийдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Рамазон ойи – аввали раҳмат, ўртаси – мағфират ва сўнги жаҳаннам оташидан қутулиш бўлган бир ойдир!” (Ибн Хузайма “Саҳиҳ”ида ривоят қилган.)

165. Абу Хурайрадан (розияллоху анху):

“Ҳазрат Пайғамбардан (соллаллоху алайҳи ва саллам) сўрадим:

– Энг афзал (Аллоҳ наздида энг қимматли) амал нима?

Аллоҳнинг Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) жавоб бердилар:

– Аллоҳга ва Расулига ишонмоқдир!” *Бухорий ва Насоий ривояти.*)

Изоҳ:

Аллоҳ таоло наздида Аллоҳга ва Пайғамбаримиз Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ишонмоқдан афзалроқ, қимматлироқ бирор амал йўқдир.

166. Умму Саламадан (розияллоҳу анҳо):

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дуо қилардилар:

“Эй кўнгилларни ўзгартирувчи (Аллоҳ)! Менинг кўнглимни ҳақ дининг бўлган Исломда собит айла!” (*Термизий ва Ибн Можа ривояти.*)

Изоҳ:

Ҳадисда қалбни тойишлардан, ҳис-туйғу ва эътиқод бузуқликларидан қўримоқ учун Аллоҳга сиғиниш зарурлигига ишорат бор. Чунки инсоннинг ҳолати, руҳияти ўзи яшаётган замону макондан, воқеа-ҳодисалардан тез таъсирланади.

167. Абу Қатодадан ривоят этилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мушук нажас эмас, мушук атрофингизда айланиб юрувчи уй ҳайвонидир”, дейдилар (*Бухорий ва Муслим ривояти. Ибн Хузайма ва Термизий, Ибн Хиббон, Ҳоким ва бошқалар ҳадисни саҳиҳ дейишган.*)

Абу Довуддан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мушукдан қолган сув билан таҳорат олардилар”, дейилади. Ҳанафий мазҳабида мушукдан қолган сув билан таҳорат олиш кароҳиятли (макрух. –Тарж.) бўлса ҳам, жоиз.

Абу Довуд Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилган ҳадис мушукдан қолган (сув)нинг тозалигига далолат этади (“Осорус-сунан”, 1–11) (*Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган.*)

168. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Имом (подшоҳ) қалқондир!” (*Бухорий ва Муслим ривояти.*)

Изоҳ:

Одил раҳбар ўлканинг, мусулмонларнинг сиёсий эркинлигини, тинчлик-хотиржамлигини, бирлигини, аҳиллигини, ҳузур-ҳаловатини таъминлашда қалқон ҳукмида экани ҳадисда айтилмоқда.

169. Анас ибн Моликдан (розияллоху анху):

Мадиналикларнинг жоҳилият даврида икки байрами бор эди. Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) Мадинага келгач, уларга марҳамат этдилар:

“Аллоҳ таоло сизга бу икки байрамингиз ўрнига, янада хайрлироқ бўлган икки байрам берди: бири Рамазон байрами, иккинчиси эса Қурбон байрамидир!” *(Насоий ва Аҳмад ибн Ханбал ривояти.)*

Изоҳ:

Аллоҳ таоло мусулмонларга жоҳилият давридаги байрамлари ўрнига Рамазон ва Қурбон байрамларини ато этди.

170. Абу Мусо Ашъарийдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ҳеч ким озорли, азиятли тухматларга Аллоҳдан сабрлироқ эмас. Ўзини билмайдиган баъзи мушриклар ва кофирлар: “Аллоҳнинг ўғли бор”, деса ҳам, Аллоҳ барибир уларга дунёда офият беради, турли-туман ноз-неъматлар ато этиб, ризқ беришда давом этади” *(Бухорий ривояти.)*

Изоҳ:

Аллоҳ дунё ҳаётида мўминнинг ҳам, кофирнинг ҳам ризқини беради. Энг буюк исён ва инкор ҳолларини ҳам ризқини тўхтатишга сабаб қилмаган.

171. Рофиъ ибн Худайждан (розияллоху анху):

“Саҳобалар сўрадилар:

– Ё Расулуллоҳ! Қозонч (даромад) недир?

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

– Кишининг қўли (пешона тери) билан қозонгани ва машру олиш-беришдан топган фойдасидир” *(Бухорий, Ибн Можа ва Доримий ривояти.)*

Изоҳ:

Ҳадисдан англашилишича, энг покиза даромад қўл меҳнати, пешона тери ва машру тижорат билан қўлга киритилган фойдадир.

172. Муоз ибн Жабалдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Одамларни юзтубан ёки бурнини ишқаб, оташга отадиган нарса тили билан орттирган гуноҳларидир!” (Термизий ривояти.)

Изоҳ:

Ёлғон, ғийбат, бўҳтон, чиркин ва дилозор сўзлар тил билан қилинган буюк гуноҳлардир. Мўмин сўзига қаттиқ эътибор бериши керак.

173. Савбондан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Сен Аллоҳ таоло учун қилган ҳар саждангда Аллоҳ таоло сенинг даражангни юксалтиради. Бир хатоингни кеткизади” (Имом Аҳмад ва Термизий ривояти.)

174. Фазола ибн Убайддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Сизлардан қай бирингиз дуо қилмоқчи бўлсангиз, аввал Аллоҳ таолога ҳамд-сано билан бошланг. Кейин Расулига савот айтинг. Ундан кейин эса хоҳлаган дуоингизни қилинг, сўрамоқчи бўлганингизни сўранг!” (Термизий ва Абу Довуд ривояти.)

175. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Сайхун, Жайхун, Фурот ва Нил жаннат дарёларидандир!” (Муслим ривояти.)

Изоҳ:

Ҳадиснинг ишоратига кўра, Исломи дини бу дарёларга етажак ва ўша дарёлардан сув ичганлар имон ва солиҳ амаллар соҳиби, жаннатий кишилар бўлажаклар! Бир ривоятга кўра, бу дарёларга ҳар кун жаннат сувлари қўшилиб туради. Шу

тариқа сувларнинг баракотланишига, атрофларига мўллик, ободлик таратишига сабаб бўлади!

176. Умора ибн Руайбадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Қуёш чиқишидан ва ботишидан олдин намоз ўқиган ҳеч ким, асло оташга кирмайди!” (Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривояти.)

Изоҳ:

Тонг ва аср намозлари назарда тутилмоқда. Бу пайт ҳозир бўлувчи фаришталарга шохидлик вазифаси берилган. Бу намозларни ўқиганларга Аллоҳ ҳузурда гувоҳлик берадилар, истиғфорда бўладилар, мағфират сўрайдилар.

177. Ҳазрат Алидан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Жаннатда шундай хоналар борки, ташлари ичларидан, ичлари эса ташқаридан кўриниб туради. Ўша хоналар гўзал сўзлаган, таом едирган, рўзада давом этган, кундузлари, кечалари, ҳамма уйқуда бўлган пайтлар намоз ўқиган кишиларга тегишлидир” (Термизий ривояти).

178. Абу Саиддан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ким ҳаромдан узоқ, покиза ризқ (ҳалол лўқма) еса, суннатга мувофиқ амалда бўлса, халқ ҳам ундан ўзларига бир ёмонлик келмаслигига амин бўлса, жаннатга киради” (Термизий ривояти).

179. Абдурахмон ибн Абзодан (розияллоҳу анху):

“Довуд (алайҳиссалом) марҳамат этдилар:

– Билки, экканингни ўргайсан. Бадавлатликдан сўнгра камбағаллик қандай чиркин. Бундан ҳам ёмонроғи эса ҳидоятдан сўнгра бузуклик (тўғри йўлдан тойиш)дир” (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

180. Абу Заррдан (розияллоҳу анху):

“Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўрадилар:

– Ё Расулulloҳ! Киши яхшилиқ қилса, бу яхшилиги сабаб уни халқ мақтаса, бу кибр ва ужб бўладими?

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деб жавоб бердилар:

– (Ўзи сўрамаган ва истамаган) бу мақтов мўминга (Аллоҳ ризолигини) олдинроқ билдирувчи бир хушхабардир!” (*Муслим ривояти.*)

181. Ҳазрат Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси амал фазилатли?” дея сўралди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўз вақтида ўқилган намоз”, дея марҳамат қилдилар (*Абу Довуд ва Термизий ривояти.*)

182. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Бир мусулмон бир дарахт ўтқазса ёки бир уруғ экса, ўтқазган ва эккан бу дарахт ва уруғ мевасидан ҳар қандай бир қуш ёхуд инсон ёки ҳайвон еса, шу сабабли унга садақа (савоби) берилур” (*Термизий ривояти.*)

183. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Имом “Самиаллоҳу лиман ҳамидах” деганида сиз: “Роббана лакал ҳамд”, денг. Кимнинг бу сўзи фаришталарнинг сўзига тўғри келиб қолса, ўша кишининг ўтмишдаги барча гуноҳлари кечирилади», дея марҳамат қилдилар (*Муттафақун алайҳ.*)

184. Ҳазрат Жобирдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Зинҳор иситмани (ва бошқа хасталикларни) сўкмангиз! Чунки ўша (хасталиклар) одамларни гуноҳлардан поклайди. Гуёки босқон темир зангини кетказиб тозалагани каби” (*Имом Муслим ривояти.*)

185. Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Савдо-сотикда кўп қасам ичишдан сақланинглар. Зеро, у олдин кўпайтириб, сўнгра барбод қилади” (*Имом Бухорий ривояти.*)

186. Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Оз бўлиб, кифоя қилиб тургани, кўп бўлиб, ҳаддан оширганидан яхшидир” (*Имом Термизий ривояти*).

187. Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Бошига тушган мусибатларини, ўзидаги касалликларни ва қилган хайру эҳсонини яшириш яхшилик ҳазиналаридандир” (*Имом Бухорий ривояти*).

188. Ҳазрат Жобирдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ҳеч ким юзни мажруҳ қилмасин ва юзга урмасин” (*Муслим ва Абу Довуд ривояти*).

189. Абу Мусодан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“(Фитна замонида) уйингизнинг ўтроғи бўлинг!” *Абу Довуд ривояти.*)

Изоҳ:

Бундан мақсад, фитна замонида уйдан ажралмаслик, ташқари чиқиб, гуноҳ ишларга чиркин воқеаларга аралашмасликдир.

190. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Инсонлар хали шундай кунларга етадики, қотил нечун ўлдираётганини, мақтул нечун ўлдирилаётганини билолмайди” (*Муслим ривояти*).

191. Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ким қирқ кун биринчи такбирга етиб, жамоат билан намоз ўқиса, унга оловдан ва мунофиқликдан халослик ёзилади” (*Термизий ривояти*).

192. Суроқа ибн Молиқдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Энг хайрлингиз ҳақсиз ва золим бўлмасдан аширати (халқи, миллати)ни ҳимоя қилганингиздир!” (*Абу Довуд ривояти.*)

Изоҳ:

Бу ҳадисда, машру ният доирасида эл-юрт, миллат ҳимояси зарурлигига ва муҳимлигига ишорат бор.

193. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Шубҳасиз, ҳақлар эгаларига тўла қайтарилади. Ҳатто, шохсиз қўй-қўчқорлар учун шохдор қўй-қўчқорлардан қасос олинади” (Муслим ривояти).

194. Ахнаф ибн Қайсдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Икки мусулмон қилич (қурол) билан бир-бирига юриш қилса (ташланса), ўлдирган ҳам, ўлган ҳам дўзахдадир”.

– “Қотилнинг дўзахга тушиши тушунарли, аммо ўлган нечун дўзахга тушади?” деб сўрашди.

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Чунки у ҳам биродарини ўлдириш учун ҳаракат қилди” (Бухорий ва Муслим ривояти).

195. Ибн Фиросийдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Сўрамоқ мажбуриятида қолсанг, солиҳлардан сўра!” (Абу Довуд ва Насоий ривояти).

Изоҳ:

Солиҳлар сўраганини қуруқ қайтармайдилар, берганларини кўнгли розилиги билан Аллоҳ ризоси учун миннатсиз берадилар. Солиҳлар моли ҳалолдан топилган бўлади.

Инсон мажбур бўлмасидан бировдан бир нарса сўраши тўғри эмас. Лекин мажбур бўлса, солиҳ кишиларга мурожаат қилмоқ керак.

196. Абу Иззадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аллоҳ бир қулига бир жойда ўлишини тақдир этса, уни ўша жойга боғлиқ қилиб қўяди” (Термизий ривояти).

197. Муоз ибн Жабалдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ким ғулул қилса (ғанимат молдан, кўпчилик ҳақидан, давлат молидан уриб қолса), олган нарсаси билан қиёмат куни (Аллоҳ ҳузурига) чиқади” (*Термизий ривояти*).

198. Воил ибн Хужрдан (розияллоҳу анху):

“Ториқ ибн Сувайд Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хамр билан даволаниш хусусида сўради.

Ҳазрат (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни бундан қайтариб, марҳамат қилдилар:

– Йўқ! У (хамр) даво эмас, дарддир!” (*Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти*.)

Изоҳ:

Баъзилар айтадиган “бир-икки қултум ёки бир-икки қадаҳнинг зарари йўқ” деган гаплар сафсата экани англашилмоқда.

Хамр (спиртли ичимлик)да вужудга зарарли хусусиятлар бор.

199. Маърурдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ишчиларингиз, хизматчиларингиз сизнинг биродарларингиздир. Уларни Аллоҳ сизнинг қўл остингизга бергандир. Кимнинг қўл остига биродари берилган бўлса, еганидан унга едирсин, кийганидан кийдирсин. Унга унинг кучи етмайдиган нарсани юкламасин!” (*Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган.*)

200. Авф ибн Моликдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ичида ширк бўлмаган дуо билан дуохонлик қилмоқнинг зарари йўқ” (*Муслим ва Абу Довуд ривояти*).

201. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ким бировни урган бўлса, қиёмат куни ундан қасос олинади” (*Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган.*)

202. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху):

“Аллоҳ Расули довма (терига уйиб ёзиш ва чизиш, ёздириш)ни тақиқладилар” (*Муслим ва Абу Довуд ривояти*).

Изоҳ:

Бундай иш соғлиққа ҳам катта зарар келтиради.

203. Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Бохирдан (розияллоҳу анҳу):
«Хасталикка яқин боришда талафот бор» (Абу Довуд ривояти).

Изоҳ:

(Вабо тарқалган жойга кирмоқ истагида бўлгани учун.)

204. Маҳмуд ибн Лабиддан (розияллоҳу анҳу):

«Расулulloҳга (соллalloҳу алайҳи ва саллам) бир одам хотинини уч марта бирдан “бўшсан (талoқсан)” дея қўйганини хабар беришди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) ғазабландилар:

– Ҳали мен орангизда бўлатуриб, Аллоҳнинг китоби билан ўйин қилмоқдами?” (Насоий ривояти.)

Изоҳ:

Бақара сурасининг 229–232-оятларида ажрашиш бирданига эмас, бўлиб-бўлиб қилиниши кераклиги ифода этилган. Бу амрга қарамасдан, аксинча ҳаракат этилиши Пайғамбаримизни (соллalloҳу алайҳи ва саллам) хафа қилмоқда.

205. Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу):

“Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) жинлардан ва кўз тегишидан турли дуолар билан Аллоҳга сиғинардилар.

Муаввизатайн (Фалақ ва Нос суралари) индирилгач, Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) бошқа дуоларни тарк этиб, асосан шу икки дуони ўқирдилар” (Термизий ва Ибн Можа ривояти).

206. Ҳазрат Алидан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллalloҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Динда фақиҳ киши қандай яхши кишидир. Ўз билимига эҳтиёжи бўлганларга (сўраганларга) фойдаси тегади. Эҳтиёж бўлмаганида илмини орттиради” (Термизий ривояти).

207. Ҳазрат Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллalloҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ҳикмат мўминнинг йўқотган молидир. Қайда топса олмоққа энг ҳақлидир” (*Термизий ривояти*).

Изоҳ:

Ҳикматли сўзни ким айтса ҳам мўмин уни тинглаб, қабул қилиб олиши, унга эга бўлиши юксак фазилатдир.

208. Саҳл ибн Саъддан (розияллоҳу анху):

“Аллоҳга қасам, сенга ато этилган ҳидоят билан биргина одамнинг тўғри йўл топиши сен учун энг кучли, қувватли туя сурувларидан ҳам хайрлироқдир” (*Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти*).

209. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Улуғимизга ҳурматда, кичигимизга меҳр-муҳаббатда бўлмаган биздан эмас” (*Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган*).

210. Рабиъа ибн Абу Абдурахмондан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Бир миқдор илми бор киши нафсини зое этиши тўғри эмас” (*Бухорий ривояти*).

Изоҳ:

Киши илмининг ҳурматини сақлаши, ўзини ўта хорланган кишидек намоён этмаслиги лозим.

211. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху):

“Ансорлардан бир зот Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хотирасидан шикоят этиб:

– Ё Расулуллоҳ, мен Сиздан бир ҳадис эшитаман, жуда ёқади, лекин хотирамда сақлай олмайман, не қилай? – дея сўради.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга:

– Кўлингни ёрдамга чақир, – дея жавоб бердилар ва қўллари билан эшитганингни ёз, деган маънода ишора қилдилар” (*Термизий ривояти*).

Изоҳ:

Хадисда хотираси заифлигидан шикоят этувчига ўрганганини, эшитганини ёзиб бориш тавсия этилмоқда.

212. Торикдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Қиёматга яқин қуйидаги ишлар бўлади:

– фақат танишларга салом бериш;

– тижоратда аёл фаолияти эр фаолиятидан ортиқ ёйилиб кетиши;

– қариндошлар алоқасининг узилиши;

– илмнинг кенг ёйилиши;

– ёлғон гувоҳлик бериш;

– тўғри гувоҳликнинг йўқолиши...” (Бухорий *“Ал-адабул муфрад”*да ривоят қилган).

213. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Мен фақат гўзал ахлоқ камолоти учун юборилдим” (Бухорий *“Ал-адабул муфрад”*да ривоят қилган).

214. Саҳл ибн Саъддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Кўз (харомни кўрмасин) учун (ичкарига қараётганида) изн сўраш қондаси жорий қилинди” (Бухорий ва Муслим ривояти).

215. Рибъий ибн Хирошдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Бир қисм илм борки, уни фақат Аллоҳ биледи. Беш нарсани Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди:

– қиёмат илми Аллоҳ ҳузуродадир;

– ёмғирни (хоҳлаган жойга, хоҳлаган вақт, хоҳлаган миқдорда) У ёғдиради;

– она қорнидаги ҳомила қандайлигини У биледи;

– ҳеч ким эртага не қозонажагини билмайди;

– ҳеч ким қайда ўлажагини билмайди” (Абу Довуд ривояти).

216. Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу):

“Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ансордан бир хонадонни зиёрат қилмоққа бордилар. Улар билан бирга таомландилар. Уйдан чиқишдан олдин, уйнинг бир тарафида намоз ўқиш учун жой ҳозирлашларини буюрди. Пайғамбар учун бир жойга сув сепилиб (поклаб), тўшак ёзишди. Устида Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намоз ўқидилар ва хонадон аҳлини ҳам дуо қилдилар” (Бухорий *“Ал-адабул муффрад”да ривоят қилган*).

217. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Шубҳа-гумондан сақланингиз. Чунки ёмон тахмин ва гумон билан ҳукм чиқариш сўзнинг энг ёлғонидир” (Бухорий *“Ал-адабул муффрад”да ривоят қилган*).

218. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Беш нарса фитратдан, пайғамбарларнинг суннатидандир:

- болаларни хатна қилиш;
- қовуқ пасти тукларини қириш;
- тирноқ олиш;
- қўлтиқ тукларидан тозаланиш;
- мўйловни калтартириш” (Бухорий ва Муслим ривояти).

219. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ўргатингиз ва осонлаштирингиз”.

(Бу сўзни уч бор айтдилар ва қўшиб қўйдилар):

“Ғазабингиз келганида, жим бўлинг!” (Бухорий *“Ал-адабул муффрад”да ривоят қилган*.)

220. Ҳазрат Алидан (розияллоҳу анҳу):

Аммор ибн Ёсир кўришмоқ учун Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рухсат сўради. Ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг овозини эшитгач, марҳамат этдилар: “Мархабо, бит-гоййибил-мутоййаби! – Ёмонликлардан покланган, мусаффо кишига мархаболар бўлсин, унга рухсат беринг!” (Термизий ва Ибн Можа ривояти.)

221. Абу Мижлаздан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ким ўзи учун Аллоҳ кулларининг тик туришидан севинса, жаҳаннамга ҳозирлансин!” (Абу Довуд ва Термизий ривояти.)

222. Хабба Тамимийдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Бойқуш (бойўғли)ларда ҳеч нарса (ёмон аломат, зарар, хавф) йўқ. Йўйишнинг энг тўғриси хайр (яхшилиқ)ка йўйишдир. Кўз тегиш эса бор ҳақиқатдир” (Термизий ва Ибн Можа ривояти).

223. Абу Заррдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Йўл ноаниқ жойда одамларга йўл кўрсатиш ҳам садақадир” (Термизий ривояти).

224. Зухрийдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Бир касбни қилиб турганингда Аллоҳ сенга ўша ишдан қутулишни кўрсатгунича ёхуд Аллоҳ сенга бир чиқиш эшигини очгунича сабр қил!” (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ва Абу Довуд ривоят қилган.)

225. Толқ ибн Хубайбдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“(Гуноҳкор) мўминлар жаҳаннамга кирганидан сўнг, (шафоат соясида) жаҳаннамдан чиқадилар” (Муслим ривояти).

226. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Одамлар либосларини аралаш-қуралаш бўяб, бежаганларидек, қурган уйларини ҳам нақшлаб, безамагунларича қиёмат бўлмайди” (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

227. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳ ҳузурда дуодан афзалроқ, ҳурматли (шарафли)роқ бир амал йўқдир” (Термизий ва Ибн Можа ривояти).

228. Анасдан (розияллоҳу анҳу):

“Бир одам Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида дедики:

– Аллоҳ, менга мол-дунё бермадингки, ундан садақа бериб ажр олсам... У ҳолда, лоақал бир бало юборки, мен ҳам савоб қозонайин.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

– Субҳаналлоҳ! Бунга кучинг етмайди. Бундай десанг-чи:

– Аллоҳ, бизга дунёда ҳам яхшилик бер, охиратда ҳам яхшилик бер ва бизни жаҳаннам азобидан сақла!” *Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).*

229. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аллоҳдан сўрамаганга Аллоҳ ғазаб қилади” *(Термизий ва Ибн Можа ривояти).*

230. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу):

“Кўзи ожизни йўлдан адаштирганни Аллоҳ лаънатласин!” *(Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган.)*

231. Баҳз ибн Ҳакимдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аёлингга еганингдан едир, кийганингдан кийдир. Юзига қараб: “Хунуксан”, дема ва урма!” *(Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти.)*

Изоҳ:

Бу ҳадисда хотиннинг эр зиммасидаги энг муҳим ҳақлари ифода этилмоқда. Еб-ичиш, кийиш каби моддий эҳтиёжи қондирилиши зарурлиги, масаланинг ҳам моддий, ҳам маънавий томони – уни азоблаб, урмаслик кераклиги, руҳий-маънавий жиҳатдан азият бермаслик, яъни уни камситмаслик ёки уни озорловчи сўзларни айтмаслик, ёмон гапирмаслик кераклиги қатъиян уқтирилмоқда.

232. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳ азобига энг кўп сазовор ва раҳматидан узоқ уч хил киши бор:

- Макка ва Мадинада (яшаб) гуноҳ қилган киши;
- мусулмон бўлгани ҳолда жоҳилиййа даври (ботил) масросимларини давом эттирмақни истаган киши;
- бировнинг қонини ноҳақ тўкишни қаттиқ истаган киши”
(*Бухорий ривояти*).

233. Зайд ибн Ҳорисадан (розияллоҳу анху): Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ваҳий илк инган даврларда Жаброил (алайҳиссалом) келиб менга таҳорат ва намозни ўргатди” (*Бухорий ривояти*.)

Изоҳ:

Таҳорат олиши ва намоз ўқишни Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жаброил (алайҳиссалом) ўргатгани англашилмоқда.

234. Абу Мусодан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Шафоат(им) умматимдан Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмасдан (тавҳид эътиқодида) ўлган кишилар учундир!”
(*Бухорий, Муслим, Термизий ва Ибн Можа ривояти*.)

235. Зайд ибн Саламадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Билганингни амалга оширишда, татбиқ этишда Аллоҳдан кўрк!” (*Термизий ривояти*.)

Изоҳ:

Ўрганган исломий ҳукм ва қоидаларни тўғри татбиқ қилиб, амал этишимиз кераклигига ишора этилмоқда.

Ўрганмоқ яшамоқ учундир. Илм, уни қўлламақ, ундан тўғри фойдаланмоқ учундир.

236. Абу Заррдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Биродарингни очиқ чехра билан қаршилашинг, унга очиқ чехра билан қарашинг бир садақадир” (*Термизий ривояти*).

237. Абу Заррдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Одамларга хушхулқ бўл, гўзал муомала қил, гўзал суҳбатлаш!” (Термизий ва Доримий ривояти.)

Изоҳ:

Одамлар билан чиқишишининг, яхши муносабатнинг биринчи йўли – уларга гўзал ахлоқ билан суҳбатдош бўлиш.

238. Саҳл ибн Ханзалиядан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Оғриғини айтишдан ожиз, тилсиз ҳайвонларга озор беришдан сақланинг. Уларни гўзал шаклда мининг, яхши тарзда сўйиб енг” (Абу Довуд ривояти.)

Изоҳ:

Ҳайвонга озор бермаслик, хизматидан фойдаланишда оғир юк ортмаслик, кўп ишлатмаслик, ҳаддан ташқари чарчатиб қўймаслик, шунингдек, боқиб, парваришлаш, қаттиқ азоб бермасдан, қийнамасдан сўйиш ҳам англашилади.

239. Абу Умомадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Молларингизнинг закотини очик кўнгил билан, рози бўлган ҳолда берингиз!” (Термизий ривояти.)

Изоҳ:

Бойлик йиғиш инсон фитратида бўлса-да, уни зикнага айлантормасин. Фақирлар ҳақи бўлган закотни вақтида рози бўлиб бериш керак.

240. Муоз ибн Жабалдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Лаънатга ва ёмон дуога сабаб уч ҳолдан сақланингиз:

– сув ҳавзаларини булғашдан;

– одамлар, уловлар қатнаб турган барча йўлларни ифлос қилишдан;

– дам олинадиган соя жойларни ва сайргоҳ майдонларни ифлос этишдан” (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти.)

Изоҳ:

Ҳадисдаги ифлос қилиш, булғаш, катта таҳорат синдириш маъносидадир. Ҳадиснинг умумий маъноси эса, жамоат жойлари, сув ҳавзалари, булғамаслик керак бўлган барча сувлар, йўллар, кўчалар, оромгоҳ ва сайлгоҳлар тоза тугилиши зарурлигидир.

241. Адий ибн Ҳотамдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Жаҳаннам оташидан ярим хурмо билан бўлса ҳам ҳимояланингиз. Агар беришга яримта хурмо ҳам тополмасангиз, яхши сўз айтинг, садақа қилган бўлурсиз” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Ҳар ичсон яхшилик қилиш салоҳияти, юзага чиқмаган, юзага чиқиши мумкин бўлган куч-қувват, қудрат, имкониятларга эга. Инсонни жаҳаннам азобидан қўрийдиган қалқон эса фақат яхшилик қилмоқдир. Ярим хурмо ҳам беролмайдиган ҳолда бўлган киши атрофидагиларга яхши сўзлаши шу тариқа ҳақиқий ёрдам, ижобий қувват бериши мумкин.

242. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Намозда аввал биринчи сафни тўлдириңгиз. Кейин иккинчисини тамомлангиз, тўлмайдиган камчилик бўлса, энг сўнги сафда қолсин” (Абу Довуд ва Насоий ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадисдан Ислоннинг тартиб-интизомга нафосатга ва мукамалликка нақадар аҳамият беришини англаймиз. Ислон попоклик, бузуқлик, кир кўриниш, тартибсизлик, интизомсизликни тасдиқ этиши асло мумкин эмас.

243. Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) Шайбондан, у Абдулмаликдан, у отасидан, у Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху) ривоят қилади:

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) айтдилар:

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сендан мас-лаҳат сўраган кишига тўғри (йўл) кўрсат. Акс ҳолда унга хиёнат қилган бўласан”, дедилар» (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

244. Абу Хумайд Саидийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Дунёни гўзал бир шаклда талаб қилинг. Чунки ҳар ким дунёда ўзи учун (Аллоҳдан) не тақдир этилган бўлса, ўшанга эришади” (Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Дунё (моли)ни қўлга киритиши учун ҳаракат қилганда, ҳалол-ҳаромни ажратиб, қаноатли бўлмоқ ифода этилмоқда. Очкўз бўлиш, ҳирсга берилиш насибани кўпайтирмайди, фойдани орттирмайди.

245. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Мусулмонларга нисбатан азоб қўлламанг, уриш, калтаклашдан сақланинг” (Бухорий ва Абу Довуд ривояти).

Изоҳ:

Одамлар гоҳ-гоҳ бир-бирларини азият билан, беҳузур қилиб қўйишлари мумкин. Бу ҳолда дарҳол ғавғо чиқариб, уришмоқ тўғри ҳаракат эмас. Воқеаларни сабр ва инсоф, юмшоқлик ва вазминлик билан қаршиламоқ керак.

246. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ ҳузурда энг севимли амал оз бўлса ҳам, давомли адо этиладиганидир” (Бухорий ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадис яхшилик қилишда барқарор ва давомли бўлиш муҳимлигига урғу бермоқда. Аллоҳнинг ризосини қозонишда озлик ва кўплик биринчи ўлчов бўлмай, балки кишининг яхши амалда давомийлиги аҳамиятлидир.

247. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Сенга бир нарса омонат берганнинг омонатини сақла. Сенга хиёнат қилганга эса, сен хоинлик қилма” (*Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

248. Абу Заррдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Қўлингиз остидаги хизматчиларингиз сизнинг биродарларингиз. Уларни қўлингиз остига берган Аллоҳдир. У ҳолда, кимнинг қўли остида бир биродари бўлса, унга еганидан едирсин, кийганидан кийдирсин. Кучи етмайдиган юкни унга юкласин, зиёда иш берганида унга ёрдамчи бўлсин!” (*Бухорий ва Муслим ривояти*.)

249. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аллоҳга дуонгизнинг қабул бўлишига қатъий ишониб, дуо қилинг!” (*Термизий ривояти*.)

Изоҳ:

Аллоҳ самимий кўнгил билан айтилган дуоларни қайтармайди. Дуони қабул қилгач, дунёда мукофот бериш-бермаслик Унинг ҳикматига боғлиқ. Аллоҳ дунёда бермаган дуоларининг мукофотини охиратда савоб сифатида беради.

250. Усмон ибн Аффондан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Олганда, сотганда, қарзини узганда ва қарзини сўраганда қарздорга енгиллик – қулайлик туғдириб, юмшоқ – мулойим муомала қилган кишига Аллоҳ жаннатини насиб этсин!” (*Абу Довуд ва Термизий ривояти*.)

Изоҳ:

Инсонлар бир-бири билан маданий ва тижорий каби турли муносабатларда яхши муомалали, келишимли, аҳил, мулойим бўлиши талаб этилмоқда.

251. Абул Аҳваснинг отасидан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳ сенга бир мол давлат ато этганда, Аллоҳ сенга тақдим этган бу неъматнинг ва бу икромнинг излари сенда кўринсин” (*Термизий ва Доримий ривояти*).

Изоҳ:

Банданинг Аллоҳ ато этган неъматларини яшириши, ўзини неъматдан маҳрумдай кўрсатиши, неъматга нонкўрлик саналади.

252. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Биронтангизга хизматчиси таом тайёрлаб келтирганида ўша хизматчини таомга таклиф этиб, ёнига ўтказсин. Агар ёнида ўтирмайдиган бўлса, лоақал ўша егуликдан бир неча лукма берсин” (*Бухорий ва Ибн Можа ривояти*).

253. Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Сизга бир жамоатнинг ҳурматли вакили, аъзоси келганида унга илтифот этинг ва икромда бўлинг!” (*Ибн Можа ривояти*.)

254. Қатода ибн Нўъмондан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳ бир қулини севса, сиз хастангизни зарарли бир ичимликдан қўриганингиз каби уни дунёнинг ҳаром лаззатларига берилмоқдан сақлайди” (*Термизий ривояти*).

Изоҳ:

Инсон ғафлатдан ва ҳаромларга берилмоқдан фақат ўз иродасигагина таяниб ва ишониб қутулади, деб ўйламаслик керак. Ҳаромдан сақланмоқ ҳам илоҳий бир лутф асари эканини билиши керак.

255. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ бир раҳбар учун яхшилиқни ирода этса, унга тўғри бир ёрдамчи беради. Шундайки, раҳбар бир нарсани унутганда, ўша ёрдамчи унга эслатади. Эслагач, амалга оширишга ёрдам беради. Аллоҳ бир раҳбар учун яхшилиқдан бошқа нарса истаса, унга ёмон бир ёрдамчи ато этади. Шундайки, ўша раҳбар унутганини ўша ёрдамчи хотирлатолмайди. Хотирлаганда эса, адо этмоққа ҳеч қандай ёрдам бермайди” (*Абу Довуд ва Насоий ривояти*).

256. Ибн Умардан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аллоҳ бир жамиятга умумий бир азоб истаганида, ўша умумий жазо жамоат аъзоларининг ҳаммаси (айбсиз, айбдор)га тегади. Кейин инсонлар амалига кўра, тирилтирилади (айбли, айбсизи ажралади)” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Қавмларга, жамоатларга келган умумий жазо қавмдаги ҳаммага – айбсизу айбдорга тегади. Шунинг учун ҳам жазо умумийдир. Лекин Аллоҳ ҳузурда маъсумларга дуч бўлган азоби муқобилида савоб ва мукофотлар берилади. Шу тариқа уларнинг яхши ният ва хайрли амаллари зое кетмаган бўлади.

257. Абу Саиддан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ бирор нарсани яратмоқни ирода этса, ҳеч нарса унга тўсиқ бўла олмайди” (Муслим ва Термизий ривояти).

Изоҳ:

Одамларнинг бир воқеа бўлиши-бўлмаслиги учун қилган тадбирлари, феълий бир дуо бўлиб, Аллоҳ тарафидан мақбул кўрилиши мумкин. Одамлар не қилса-қилсинлар, қандай тадбир олса, олсинлар, барибир, Аллоҳ мурод этган воқеа бўлмай қолмайди ва унга тўсиқ бўлгувчи йўқ.

258. Жобир ибн Самурадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳ сизлардан бировга бирор неъматни эҳсон этганида уни аввал ўзининг ва оила аъзоларининг эҳтиёжларига харжласин!” (Муслим ва Насоий ривояти.)

Изоҳ:

Инсон ёрдам ва яхшиликни аввало ўз оиласига ва яқинларига, кейин бошқаларга қилиши керак.

259. Ҳазрат Жобирдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Мусулмон биродаридан маслаҳат олувчи ва маслаҳат берувчи киши унга (бир-бирига) билган ҳақиқатларини айтиб, фойдали насихатлар қилиб, тўғри йўл кўрсатсин” (*Ибн Можа ривояти*).

260. Ҳазрат Умардан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Сенга сўрамаганинг ва истамаганинг ҳолда бир нарса берилганида, ундан е, бошқаларга ҳам бер” (*Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривояти*).

Изоҳ:

Истакдан ташқари келган ҳадя ва яхшиликлар Аллоҳнинг икромии ҳисобланади. Уни олмоқда, емоқда бошқаларни ҳам икром этиб, едирмоқда ҳеч бир зарар йўқ. Лекин инсон тамаиҳида бўлмасин, ўзига ҳадя берилишини, садақа қилишларини, ҳирс ва ҳасрат билан истайдиган ва кутадиган ҳолга келмасин.

261. Шаддод ибн Авсдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Марҳум ҳақида яхши сўзланг, чунки фаришталар ўлганинг оила аъзолари ва яқин дўстлари айтган сўзларга “Омин” дейдилар” (*Ибн Можа ривояти*).

262. Абу Масъуддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Киши савобини Аллоҳдан кутиб, оиласи учун харажат қилса, садақа ўрнига ўтади” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Изоҳ:

Оилага қилинган харажатлар садақа саналиши айтилмоқда.

263. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу):

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) янги, тоза мева келтирилганида бундай дер эдилар:

“Аллоҳ! Шў шаҳримизда бизга баракот бер. Тарозимизга ва ўлчовимизга баракот устига баракот бер”.

Сўнг ўша мевани ёнларидаги болаларнинг энг кичигига берардилар (*Муслим ва Ибн Можа ривояти*).

264. Абу Заррдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Бир хато қилганингда кетидан дарҳол яхшилик қилки, гуноҳни ўчириб юборсин” (*Термизий ривояти*).

Изоҳ:

Яхшиликлар ёмонликларни ўчириб, афвга сазовар этажасига ишорат бор.

265. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

«Қўшнилари: “Яхши иш қилдингиз”, деганини эшитсангиз, демак яхши иш қилгансиз. “Ёмон иш қилдингиз”, деганларини эшитгудай бўлсангиз, ўзингизни ёмон иш қилган хисобланг» (*Ибн Можа ривояти*).

Изоҳ:

Инсон хатти-ҳаракати яқин атрофда, қўни-қўшилларда қандай баҳоланишига эътибор этиши, уларда пайдо қилган фикрга кўра, ўзини тафтиши қилиши зарурлиги айтилган.

266. Усома ибн Зайддан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Бир жойда вабо тарқаганини эшитсангиз, ўша жойга кирманг. Агар хасталик сиз турган жойдан чиқса, сиз у жойдан чикманг!” (*Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти*.)

Изоҳ:

Эпидемия жараёнидаги тадбир – карантинга ишора этилмоқда. Карантин жойидан қочмаслик (амри) касаллик юқиб қолади, деган шубҳадан холи бўлиши учундир.

267. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Жаноза намозини ўқиганингизда ўша маййит учун чин дилдан, самимий дуо қилинг!” (*Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти*.)

Изоҳ:

Ўлган кишининг ҳақини адо этмоқ, охираат ва қабр азобидан қутулиши учун чин кўнгилдан дуо қилиши фазилатли амалдир. Дўстларга тирикликда бўлганидек, ўлганида ҳам хузур-ҳаловат, тинчлик-хотиржамлик тиланади, фақат бу дуо каби самимий бўлмоғи керак.

268. Абу Айюб Халид ибн Зайддан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Намозни энг сўнги намозингдай ўқи!” (Ибн Можа ривояти.)

Изоҳ:

Инсоннинг намозда хузурга эришиши ихлосга, ғафлатдан қутулишига боғлиқ. Киши ўқиётган ҳар намозини энг сўнги намозим, деб ўқиши ғафлатдан қутулишига ёрдам беради. Ўлим ҳақида ўйламоқ, хато, гуноҳларга, ёмонликларига тўсиқ қўймоқ демакдир.

269. Абу Хурайрадан (розияллоху анху):

“Саҳобалар дедилар:

– Ё Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам), ҳайвонларга яхшилик қилганимиз учун бизга мукофот борми?

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

– Жонли ҳар ҳайвон (уларга қилган яхшилигингиз) учун сизга мукофот бор” (Бухорий ва Муслим ривояти).

270. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Сиздан бировингиз соч қўйган бўлса, яхши қарасин, пок, чиройли тутсин!” (Абу Довуд ривояти.)

Изоҳ:

Инсон ташқи кўринишига диққат-эътибор этиши, кўрганларда яхши таассурот қолдириши кераклигига ишорат бор. Соч ҳам шундай аъзолардан биридир. Таралишига, тоза-покизалигига аҳамият бериши керак.

271. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳнинг Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳнинг сенга марҳамати сенинг Болангга марҳаматингдан кўра кўпроқдир. Чунки у Арҳамур роҳимийн – марҳаматлиларнинг энг марҳаматлисидир, раҳмлиларнинг энг раҳмлиси, меҳрибонларнинг энг меҳрибонидир” (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

272. Ҳазрат Анас ва Ҳазрат Ойшадан (розияллоху анхумо): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Киши барака топган ишида саботли бўлсин” (Ибн Можа ва Байҳақий ривояти).

Изоҳ:

Ҳадисда инсон яхши билган ва тирикчилигини таъминлайдиган касб-маслакда давомли сабот кўрсатиши тавсия этилмоқда. Ҳирсга берилиб ўзгартирмасдан, билган, яхши бажарадиган ишида камол топишни мақсадга айлантириши лозим. Албатта, бу иш маишу бўлмоғи керак.

273. Зиёд ибн Ҳорисдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ким илм ўрганмоқ истаса, билсинки Аллоҳ унинг ризқини кафолатлагандир” (Хатиб Бағдодий “Тариху Бағдод”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Дунёда ҳам, охирадда ҳам илмсиз ҳақиқатга етмоқ, муваффақиятга эришмоқ, саодатли бўлмоқ мумкин эмас. Давримизда билим ҳар недан муҳим, асримизни билим асри дейиш мумкин. Билим бу даража аҳамиятли бўлган муҳитда илм аҳлининг ризқда маҳрумликка тушиши баҳс мавзуси бўлмайди.

274. Ҳазрат Алидан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Бир одам Аллоҳ берган оз ризққа рози бўлса, Аллоҳ ҳам унинг оз амалига рози бўлади” (Байҳақий “Шуъаб”да ривоят қилган).

275. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳнинг тақсимиға – ризқиға рози бўл, одамларнинг энг бадавлати бўлурсан” (Термизий ва Аҳмад ибн Ханбал ривояти).

Изоҳ:

Бу ерда кўнгили бойлиги, кўз тўқлиги назарда тутилмоқда.

Қаноатли ва кўзи тўқ, назари тўқ, назари баланд инсонлар Аллоҳ ато этган ризқ билан бахтиёр бўладилар.

Аллоҳнинг тақсимиға рози бўлиш шукронадир. Иншааллоҳ, шукур этгувчиларнинг ризқини зиёда, ўзини бахтиёр айлайди.

276. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ризқ қозонмоқ ва эҳтиёжни кетказмоқ учун эрта тонг вақтини кадрланг. Чунки эрталабки вақтларни кадрлашда ризқда баракот ва муҳтожликдан қутулиш бор” (Табароний “Муъжамул авсат”да, Ибн Адий “Комил”да ривоят қилган).

277. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Сахарлик қилинлар, чунки сахарликда баракот бор” (Бухорий ва Муслим ривояти).

278. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу):

“Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жанобимиз марҳамат этдилар:

– Гуноҳлар ичида шундайлари борки, уларни на намоз, на таҳорат, на ҳаж, на умра поклайди.

– У ҳолда, ўша гуноҳларни не поклайди? Нима кетказди? – дея сўрашди.

Марҳамат этдилар:

– Уларни фақат тирикчилиги йўлида чекилган изтироблар кетказди, поклайди!” (Дайлабий “Муснадул Фирдавс”да ривоят қилган.)

Изоҳ:

Оилани деб чеккан ташвиш, машаққат, мусибатлар гуноҳларга каффорат экани айтилмоқда.

279. Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Сиздан бирингиз боласига бир нарса ваъда этса, бажарсин” (Абу Довуд ривояти).

280. Зубайр ибн Аввомдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аршдан ер қаъридаги тин олиш жойи (қабр)гача очиқдир.

Аллоҳ барча кулларини уларнинг ғайратлари ва эҳтиёжларига кўра ризқлантирур” (Абу Нуайм “Хуля”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Инсон туғилганидан вафотиғача ризқ эшиклари очиқлиги баён этилмоқда.

Кул эса ғайрат ва ҳиммат қилиши лозим. Шунда очиқ ризқ эшикларидан ўзига тақдир этилган ризқини қўлга киритади.

281. Ҳазрат Умардан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Неъмат учун шукр этмоқ неъмат заволига қарши кафолатдир” (Дайлабий “Муснадул Фирдавс”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Аллоҳ шукр этувчи кулларига неъматини кўпайтиришга ваъда беради. Ҳадис шу ваъдани таъкидламоқда. Ношукрлик неъматнинг заволига сабаб бўлади.

282. Абу Дардодан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Шубҳасиз, ризқ кулни кул ризқни истаганидан кўпроқ истайди” (Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ида, Дайлабий “Фирдавс”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Ҳадисда сал ғайрат билан кул ризқига қулай, осон етажагига ишора бор. Айни замонда Аллоҳ ҳар яратиқ ризқини тайин этиб қўйгани, ўша ризқ унга аниқ етишига урғу берилмоқда.

Кул бу ҳақиқатга ишониб, ризқини машру жойлардан, ҳалол йўл билан қўлга киритиши зарур, таъминотини тўғри ҳал қилишига ҳаракат этиши шарт. Ҳаром ва ғайримашру фойдалардан қочмоғи керак.

283. Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Сиздан бирингиз Аллоҳдан ризқ сўраганида, ҳалолдан сўрасин!” (Ибн Адий “Комил”да ривоят қилган.)

Изоҳ:

Ҳалол ризқ талаби – фарз устига фарздир. Ҳаром йўл билан фойда кўрмоқни ақлли мусулмон асло ўйламайди.

284. Миқдом ибн Маъдиқарибдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Охирзамон бўлганида одамларнинг пулга эҳтиёжи ортади. Чунки динини ва дунёсини у билан оёққа қўяди” (Табароний “Муъжамул кабир”да ривоят қилган.)

285. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳ сизга бир тарафдан ризқ берганида, Аллоҳ уни ўзгартиргунча ёки ризқ келмас ҳолга келтиргунча ўша ишни тарк этманг!” (Аҳмад ибн Ханбал ва Ибн Можа ривояти.)

286. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Баракот билим соҳиби бўлган буюкларингиз ёнидадир” (Дайлабий “Фирдавс”да ривоят қилган.)

Изоҳ:

Хоҳ оила ҳаётида, хоҳ жамият ҳаётида буюкларнинг билим ва тажрибаларидан фойдаланиш лозимлиги айтилмоқда.

287. Абу Ҳанифа (розияллоҳу анҳу) Исмоилдан, у Абу Солиҳдан, у Умму Ҳонидан (розияллоҳу анҳо):

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар:
“Қиёмат пушаймонлик ва ҳасрат кунидир” (Термизий ривояти.)

288. Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ касб эгаси бўлган мўмин қулини севади” (Табароний “Муъжамул кабир”, “Муъжамул авсат”да ва Байҳақий “Шуъаб...”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Аллоҳ ўзини ва бола-бақрасини таъминлаш учун бир маслакда ҳаракат этган ва бажарилган ишнинг ҳақиқи берган мўмин қулини севади.

289. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Биродаринг билан жанжаллашма, уни мазах қилма. Ва бажаролмайдиган, қўлингдан келмайдиган нарсани ваъда қилма!” (Термизий ривояти.)

290. Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Охир замонда ҳалол пул ва ишончли дўст кам топилади” (Ибн Адий “Комил”да, Абу Нуайм “Хуля”да ва Дайлабий “Муснадул Фирдавс”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Ҳадисда қиёмат яқинлашганида ҳалол пул топиш имконсиз ҳолга келиши айтилмоқда. Ўзаро муносабатда дилдан самимий муомалалар йўқолиб, сохтакорлик кўпайишига урғу берилмоқда.

291. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Беш нарса келмасдан олдин беш нарсанинг қадрини бил:

- ўлимдан аввал ҳаётнинг;
- хасталанмасдан аввал соғлиқнинг;
- машғулликдан аввал бўш вақтнинг;
- кексаймасдан аввал ёшлиқнинг;
- фақир бўлмасдан аввал бойликнинг” (Ҳоким “Мустадрак”да, Байҳақий “Шуъаб”да ривоят қилган).

292. Абу Дардодан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Киши тирикчилиги, турмуши учун ҳаракат қилиши, маишати учун талабчан бўлиб, ғайрат кўрсатиши динни яхши тушунганининг аломатидир” (Ибн Аби Шайба “Мусаннаф”да ва Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган).

Изоҳ:

Кишининг ўзи ва оиласининг тирикчилигини ўтказиши учун талабчан бўлиши динни яхши англашини, таваккулни тўғри қабул қилишини кўрсатади.

Дунёдан қўл, этак силташ каби тушунчалар диннинг моҳияти ва ижтимоий руҳи билан келишмайди. Ҳалол ризқ қозониши учун меҳнат қилиш шуурли мўмин учун энг буюк вазифа, бурч ва фарздир.

293. Ҳазрат Алидан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Тадбир маишатнинг, инсонлар муҳаббатини қозонмоқ ва яхши турмуш кечирмоқ ақлнинг, ғам-ғусса ва қайғу-изтироб кексаликнинг ярмидир” (Дайлабий “Муснадул Фирдавс”да ривоят қилган).

294. Ҳазрат Жобирдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Қаноат битмас бир мол-дунё ва туганмас бир хазинадир!” (Дайлабий “Муснадул Фирдавс”да ривоят қилган.)

295. Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ғафлат уч ҳолда пайдо бўлади:

- Аллоҳнинг зикридан холи ва ғофил қолганда;
- бомдод намозини ўқигач, куёш чиққунча (Аллоҳга итоатдан) беҳабарлик холи;
- бир кишининг ўтаёлмайдиган даражада қарз бўлишидаги (Аллоҳдан кўркмаслик) холи” (Байҳақий “Шуъаб”да ривоят қилган).

296. Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Қарз Аллоҳнинг ердаги байроғи (каби)дир, Аллоҳ бир бандани хор қилмоқчи бўлса, (унинг) бўйнига (қарз байроғини) илади” (Имом Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Аллоҳ хор ва ҳақир ҳолга туширмоқчи бўлган инсонни қайтаролмайдиган қарзлар остига қолдириб, дунёда хор-зорликка ташлайди.

297. Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Тежамли киши фақир бўлмайди” (Имом Аҳмад, Табароний “Муъжамул кабир”да ривоят қилган).

298. Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Қарздан сақланинг. Чунки у кечалари ғам, кундузлари эса зулматдир” (Байҳақий “Шуъаб”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Қарздорнинг тунлари уйқуси қочиб, кундузлари эса берган, қарзини сўровчилардан яшириниш мажбуриятида қолишига ишорат этилмоқда.

299. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ким дастурхонга тушган ушоқларни (териб) еса, умр бўйи ризки кенг-мўл бўлиб яшайди” (Дайлабий “Муснадул Фирдавс”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Бу ҳадисда дастурхонда ушоқ ва ортиқча овқат қолдиғи қолдирмасликка тарғиб бор.

300. Ҳазрат Хузайфадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ уч нарсани танқис қилмагунча қиёмат бўлмайди.

Булар:

- ҳалол пул;
- фойдали илм;

– Аллоҳ учун **дўст бўлиш**” (Дайлабий “Муснадул Фирдавс”да ривоят қилган).

301. Молик ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Кўп қайғурма, сенга тақдир этилган не эса, ўша бўлади ва ризқинг сенга берилади” (Байҳақий “Шуъаб”да, Дайлабий “Фирдавс” да ривоят қилган).

302. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ишонч туйғуси бой-бадавлатликдир” (Қазоий “Муснад”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Ишонч туйғуси иқтисодий турмушда ҳам жуда муҳим.

Ишонч бўлмаган шароитда ишлаб чиқариш ва маблағ тўхтаб қолади. Инсонлар ишончини қозонган кишилар буюк бир хурмат ва бойликни қўлга киритган саналадилар.

303. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ризқни ернинг яширин қатламларидан ахтаринг” (Абу Яъло “Муснад”да, Байҳақий “Шуъаб”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Ер қаърида нефт, табиий газ, турли маъданлар ва қазилма бойликлар мўллигига ишорат этилмоқда.

304. Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Бойлик одамлар қўлидаги (нарса)дан умид узмоқдир” (Қазоий Муснад”да, Абу Нуайм “Хуля”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Инсон ризқини бошқанинг қўлига боғланган, дея қабул қилиши, шундай тушуниши ризқ борасида ғайрат ва ҳиммат кўрсатишига халал беради. Кам деганда, бўшаптиради.

Киши ғайратини ишга солиши ёки ғайратига таяниб иш кўриши, иш тутуши, ишлаши ризқини таъминлашида унга ул-

кан бир қувват манбаи бўлади. Бошқалар қўлга киритган бойликлар унга фойдасиз. Ҳақиқий бойлик кишининг саъй-ҳаракати, ғайрати, ишлаши, азмидир. Ва шулар натижасида қўлга кирганига қаноатдир.

305. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Нонларни кичрайтинг. Сонларини кўпайтиринг. Шундай қилишингизда ўзингиз учун баракот бор” (Абу Бакр Исмоилий “Муъжам”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Нонларнинг кичик бўлиши, ортиқ парча қолмаслиги ва зиён бўлмаслиги жиҳатидан фойдалидир. Алоҳида кичик нонларни улашиш ҳам қулайроқдир.

306. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Иқтисод (тежамкорлик) турмуш кечириш (тирикчилик)-нинг, гўзал ахлоқ эса, диннинг ярмидир” (Дайлабий ривояти).

Изоҳ:

Тежамкор инсон тирикчилик муаммосининг тенг ярмини ҳал қилиб қўйган киши демакдир. Гўзал ахлоқ эса диний ҳаётининг ярмини ифодалайди.

307. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Сафар қилинг, саломат бўласиз ва ризқланасиз!” (Байҳақий ва Табароний ривояти.)

Изоҳ:

Ҳадисда сафар қилиши, четдан мол кириши ва четга мол чиқиши (импорт, экспорт)га таянган бир иқтисод, даромад тавсия этилмоқда.

Сафар янги тижорий муносабатларда, билим ва маълумот ортишида фойдали бўлганидек, таътилий сафарларнинг саломатлик жиҳатидан ҳам аҳамияти катта. Чарчоқ ва сиқилишларни кетказди. Кишининг дам олишини ва бойлигини янада яхшилайди. Диққатини жамлаб, эътиборини орттиради.

308. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Одамлар иморат солишда, балан қуришда бир-бири билан мусобакага киришмагунча қиёмат бўлмайди” (*Бухорий ривояти*).

309. Микдом ибн Маъдикарибдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Егуликларингизни ҳисоблангизки, сизга баракотли этилсин” (*Бухорий ва Ибн Можа ривояти*).

310. Торик Муҳорибийдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Она боласи номидан жиноят, қотиллик қилмайди. Ўз номи билан жиноятга қўл уради. Жиноятчилик, қотиллик боласига ўтмайди”.

Изоҳ:

Бир одам келиб, Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– *Ё Расулulloҳ! (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мана булар жоҳилият даврида фалончини ўлдирган Саълаба авлодлари қабиласидандир. Улардан бизнинг ўчимизни олиб беринг, – деди.*

Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юқоридagi ҳадисни айтиб, бу тушунчани рад этдилар. Ота (она)нинг жиноятига фарзанд жавобгар бўлмаслигини қатъиян билдирдилар.

311. Саид ибн Мусайябдан (розияллоҳу анху):

“Шом халқидан бир киши хотинини бир эркак билан тутганини айтиб, эркакни ҳам, хотинни ҳам ўлдирди. Масала ҳукми Ҳазрат Алидан сўралди. Шунда бундай жавобни бердилар:

– Мен Абул Ҳасан (Ҳасаннинг отаси)ман!

Агар қотил тўрт гувоҳ келтириб, зино гуноҳини исбот этолмаса, ип (арқон) мақтул (ўлдирилган) томонидагиларга берилур (қасос олинур)” (*Имом Молик “Муватто”да ривоят қилган*).

Изоҳ:

Далилга таянмаган, шубҳа устига бино этилган ҳеч бир даъво ҳақиқий эмас. Иддао соҳиби (даъвогар) гумондор шахсни ўзи айблаб, қарорини ижро этолмайди. Ҳақини ҳукм (суд) йўли билан, текшириб олмоқ мажбуриятидадир.

312. Абу Римсадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Билурсанки, у (боланг) сенинг жиноятинг билан жавобгар қилинмайди. Сен ҳам унинг жиноятидан жавобгар саналмайсан” (Абу Довуд ва Насоий ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадис Анъом сурасида келган «ҳеч бир гуноҳкорга бошқанинг гуноҳи юкланмас» оятини тафсир этмоқда.

Ота бир жиноят қилса, бундан боласини жавобгар этиш жоиз бўлмаганидек, фарзанд жиноят қилганида отани бу жиноятга жавобгар санамоқ ҳам тўғри эмас.

313. Ҳазрат Алидан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ким бир жиноят қилса ёки жиноятчини ҳимоя этадиган бўлса, унга Аллоҳнинг, малакларнинг ва бутун инсонларнинг лаънати бўлсин!” (Абу Довуд ва Насоий ривояти.)

Изоҳ:

Бир жиноятни бажарган қадар ўша жиноятчига ёрдамда бўлган ва жиноятчи (қотил)га ётоқ бериб, унга ҳомийлик қилган ҳам улкан гуноҳга қолади ва лаънатга лойиқдир.

314. Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анҳу):

«Мен (бир кун) ўлдириш учун бир илонни қувлардим. Абу Лубоба менга: “Уни ўлдирма!”, дея овоз берди.

– Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) илонларни ўлдиришга амр этганлар, – дедим. У ҳам:

– Шундай, аммо, кейинроқ, зарарсиз уй илонларини ўлдиришни тақиқладилар, – деди» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Уй илонларининг ўлдирилмаслигига сабаб уларнинг жин бўлиши мумкинлиги. Ман этилишига сабаб ҳам шу. Зарарли бўлганларини ўлдиришда ҳеч бир жавобгарлик йўқ.

315. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Заҳарли илонларнинг барча турини ўлдилинг! Ким илондан кўрқса, мендан эмасдир”.

Изоҳ:

Баъзилар илоннинг киндор экани, зарар берилса, интиқом олишига ишонадилар.

Бу ҳадисда илонларнинг кин сақлаши ва ўч олиши ботил тушунча экани англатилмоқда. Жоҳилият даврида ўлдирилган илоннинг шериги келиб, ўлдирилганни чақишига ишониладди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу жоҳилият эътиқодини рад этдилар.

316. Бурайдадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Бир мўминнинг ўлдирилиши Аллоҳ ҳузурда дунёнинг тугашидан каттарок ҳодисадир” (*Насоий ривояти*).

317. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анху):

“Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жанобимиз билан Минода бирга эканимизда, Аллоҳнинг Расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Вал Мурсалот сураси нозил бўлди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сурани бизга ўқиётганларида, бирдан устимизга бир илон отилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюрдилар:

– Уни ўлдилинг!

Биз ўлдирмоқ учун ташландик. Фақат илон биздан олдинроқ чаққонлик қилиб қочиб қолди.

Шундан сўнг Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

– Сизнинг зарарингиздан сақланди. Худди сиз ҳам унинг зараридан сақланганингиз каби...” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Изоҳ:

Заҳарли зарарли маҳлуқлар инсон ҳаётига таҳдид солганида уларни ўлдириш мумкинлигига ишорат бор.

318. Абу Ҳакам Бужалийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Агар еру кўк халқи бир мўминнинг қонини ноҳақ тўкишда иштирок этсалар эди, Аллоҳ ҳар икки (халқ)ни ҳам тўплаб, жаҳаннамга отарди” (*Термизий ривояти*).

Изоҳ:

Жиноятчиларнинг сон жиҳатидан кўп бўлиши Аллоҳ ҳузурда жиноят гуноҳини енгиллатмагани каби, жиноятчиларни тўплаб, жазолашга ҳам тўсиқ эмас.

319. Рофиъ ибн Худайждан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ким бировнинг ерига руҳсат олмасдан экин экса, эккан маҳсулидан ҳеч қандай ҳаққа эга бўлолмайди. Фақат унга экиш харажати берилади” (*Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривояти*).

Изоҳ:

Соҳибидан изнсиз бир экинзорга бир нарса экиш-тикиш ғасб (зўравонлик)нинг бир туридир. Бундай экин ҳосили, маҳсули ер эгасига оиддир. Экканга фақат сарфлаган (ҳақи) тўланади.

320. Айман ибн Хурайм ибн Фотикдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ёлғон гувоҳлик Аллоҳга ширк билан бир тутилгандир” (*Термизий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти*).

321. Абу Бакрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Киши ғазабли ҳолда икки одам орасида ҳукм чиқармасин” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Изоҳ:

Ҳукм чиқарувчи (ҳоким, ҳакам) ғазабли ҳолда атрофлича муҳокама юритиши ва холис, адолатли ҳукм чиқариши муш-

кул. Тарафкашликка йўл қўйиши, инсофдан узоқ туйғу, ҳаяжон таъсирига тушиши, зулмга йўл очиши мумкин.

Шунингдек, беҳад оч, сувсиз, ташна, уйқусизлик каби инсон руҳиятига таъсир этувчи ва фикрини чалғитувчи ҳоллар ҳам ҳукм чиқаришига тўсиқ ҳоллардир.

322. Авф ибн Молиқдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ таоло нотавонни хуш кўрмайди. Сен фақат ақлли бўл. Аммо бир нарса сендан устун келадиган бўлса, «Ҳасбуналлоҳу ва неъмал вакил», дегин...” (Абу Довуд ривояти).

Изоҳ:

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳукмда бўшашмасликни, муҳокамага ўзининг ҳақлигини ҳимоя қилувчи далиллар тақдим этмоқни, олди-бердида ҳужжат (чекка ўхшаш) ва гувоҳ тутишни тавсия этадилар. Бунинг аксини, яъни шуларни уддалай олмасликни ожизликнинг бир тури – нотавонлик санайдилар. Ҳолбуки, Аллоҳ қулини ақлли кўрмоқни севади. Ожизлик ва нотавонлик ичида бўлишни яхши кўрмайди. Ўз ҳақини ҳимоя қилишдан ожиз қолган ўзига оқловчи (адвокат) ёллаши ҳам ақл ва тадбир талаби, тақозосидир.

323. Ҳазрат Алидан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ҳузурингга икки ёвлашган келса, биринчисини тинглаганинг каби, иккинчисини ҳам тингла, тингламасдан асло ҳукм чиқарма. Шундай қилишинг энг тўғри ҳукм чиқаришинг учун зарурдир” (Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Адолатли ҳукм чиқаришининг энг муҳим бир тамойилига урғу берилмоқда.

324. Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу) айтди:

“Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳукм (чиқариш)да пора олиш ва бериш (воситачилик қилган)ни лаънатлаганлар” (Термизий ривояти).

Изоҳ:

Ришват – ҳар соҳада ёмон, айниқса, ҳукм борасида жуда ёмон ва катта зулмдир. Чунки ҳукмда пора адолат муассасасини ер билан бир қилади.

325. Анасдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Кимга қозилик иши мажбурлаб, зўравонлик билан берилса, Аллоҳ унга тўғрига, ҳақиқатга йўллайдиган бир фаришта юборади” (Абу Довуд ривояти).

326. Абдуллоҳ ибн Абу Авфадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Қози зулм этмагунича Аллоҳ таоло у билан бирга бўлади. Зулмга юз бурса, йўлдан адашса, Аллоҳ уни тарк этади. Сўнг шайтон у билан бирга бўлади” (Термизий ривояти).

327. “Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кун сўрадилар:

– Ким ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасликни уйдalasа, бунинг эвазига унга жаннат берилишига мен кафилман. Ким шуни зиммасига олади?

Савбон дарҳол туриб:

– Мен, – деди.

Савбон шундан сўнг умри давомида ҳеч кимдан, ҳеч нарса сўрамади” (Абу Довуд ва Насоий ривояти).

Изоҳ:

Инсон ўз эҳтиёжларини қоплаш учун ишлаши, ғайратли бўлиши, кўзи ва кўнгли тўқ, қаноатли бўлиши исталмоқда, текинхўрлик, боқимандалик, бошқаларга юк бўлиш, танбаллик, тиланчилик каби ёмон одатлардан узоқ бўлиш тавсия этилмоқда.

328. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ким (молини орттирмоқ учун) одамлардан тиланса, у фақат олов сўраган бўлади. У ҳолда ё озига қаноат қилсин ёки тиланиб, мол кўпайтиришни афзал кўрсин” (Муслим ривояти).

329. Абу Ханифа Аназдан (розияллоху анху):

Расулуллохнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганларини эшитдим:

“Аллоҳ таоло ғамгинга ёрдам беришни яхши кўради” (Имом Абу Ханифа “Муснад”да ривоят қилган).

330. Абу Саид Худрийдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ким каноат ва бардош билан ҳаракат қилса, Аллоҳ унга сабр беради. Ҳеч кимга сабрдан хайрлироқ, кенг-мўлроқ эҳсон берилмаган” (Бухорий ва Муслим ривояти).

331. Абу Умомадан (розияллоху анху):

“*(Харжламоқни) қарамоғингда бўлганлардан бошла*” (Муслим ва Термизий ривояти).

Изоҳ:

Киши харжлашни аввало қарамоғида бўлганлар, оила аъзолари ва яқинларидан бошлаши керак. Уларнинг эҳтиёжларини кетказгач, киши фойдасидан муҳтожларга яхшилик қилишни унутмаслиги лозим.

332. Салама ибн Акваъдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ким бизга қилич кўтарса, биздан эмасдир!” (Муслим ривояти).

333. Абу Мусо ва Ибн Умардан (розияллоху анхумо): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ким бизга қарши қурол ташиса, биздан эмасдир!” (Бухорий ва Муслим ривояти.)

Изоҳ:

Мўмин мўминга қарши қуролланиши, қурол ташиши, қурол кўтариши ҳаром. «Биздан эмасдир» ифодаси икки маънода шарҳланади:

Биринчиси – мусулмон эмас. Чунки мусулмонга қарши қурол шилатишни ҳалол санаган киши куфрга киради. Иккин-

чиси – Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатидан озган. Суннатдан озганнинг эса жойи жаҳаннамдир.

334. Ҳазрат Жобирдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Кул яхши ва ёмон қадарга ишонмагунча имон келтирган бўлмади” (Термизий ривояти).

335. Жарир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Юмшоқликдан маҳрум бўлган киши барча яхшиликдан маҳрум бўлади” (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

336. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Мулойим муомала қил. Юмшоқ бўл. Зеро, юмшоқлик ҳар нарсани гўзаллаштиради. Бир нарсадан мулойимлик кетса, муҳаққак, чиркинлашади” (Муслим ва Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

337. Ҳазрат Алидан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Ҳар ким ўзи учун ёзилганига эришади. Жаннатий бўлганлар ўзини саодатга кўтарувчи амалда бўладилар. Дўзахий бўлганлар ўзларини жаҳаннамга элтгувчи амалда бўлажаклар” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Аллоҳ банданинг иродасини жаннатий ёки дўзахий амаллар қилиши жиҳатидан зўрламайди, мажбурламайди. Киши ўз жузъий иродаси билан йўлни ўзи танлайди. Аллоҳ уни ўша йўлга лойиқ оқибатга эриштиради.

338. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Аллоҳ ҳар бир жонни яратиб, унинг ҳаётини, ўлимини, ризқи ва дуч келадиган мусибатларини ҳам ёзгандир” (Термизий ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадисда инсоннинг жузъий иродасига боғлиқ бўлмаган, тамоман тақдир асари бўлган қадар ҳақида сўз юритилмоқда. Чунки инсон қачон туғилади, қанча яшайди, нималарга эришади, бошига нелар келажagini унинг Рабби, Холиқи – Аллоҳ белгилайди.

339. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анху): Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кун марҳамат этдилар:

“Аллоҳ таоло бир қулининг хайрини истаса, ўлимидан аввал уни солиҳ амаллар қилишга муваффақ айлайди!” (Термизий ривояти.)

Изоҳ:

Аллоҳ яхшилик истаган қулини ўлимидан аввал гўзди ишлар ва Исломга хизмат қилишга, тоат-ибодатга йўллайди, унга ёрдамчи бўлади.

340. Оиз ибн Амрдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Тиланишдаги жавобгарликни билсангиз эди, киши бир нарса сўрамоқ учун бошқа бир кишига асло бормас эди” (Насоий ривояти).

Изоҳ:

Исломи фақир ва муҳтожларнинг ёрдамига шошмоқни, эҳтиёжларини кетказмоқни буюк бир фазилат ва савобли амал сифатида қабул қилиши билан бирга, бу ёрдам ва яхшилик сафарбарлиги жамиятда текинхўрлар пайдо қилишига ҳам кескин қарши. Ислому муҳтожларга ёрдамни ташвиқ этганидек, одамлардан тиланиб яшашдан ҳам ўша ўлчовда қайтаради.

341. Ҳазрат Зубайрдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

«Кишининг арқон-ипларини олиб, тоққа бориб, у ердан бир кучоқ ўтин орқалаб келтириб, сотиши у учун одамлардан “менга беринг”, деб тиланишидан хайрлироқдир» (Бухорий ривояти).

Изоҳ:

Тирикчилигини машаққат билан бўлса ҳам, ишлаб, меҳнат қилиб ўнгламоқ, тиланиб таъмин этмоқдан яхшироқдир. Ислоҳ бу асосни йўлга қўйиш билан турмушини биров орқали, бошқанинг фойдаси эвазига текинхўрлик билан қозониш тушунчаси жамиятда ёйилиб кетишининг олдини олади.

342. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) мусҳаф кўчириш эвазига ҳақ олиш ҳукми сўралди.

У киши бундай жавоб бердилар:

“Бунинг зарари йўқ. Чунки хаттотлар бу ишда расом ка-бидирлар. Қўли билан топганини ейдилар” (Разин ривояти.)

Изоҳ:

Бу ривоят хат санъати бир касб сифатида қабул қилиниши ва хаттотлар қўл меҳнати муқобилида ҳақ олишларини жо-излиги ифода этмоқда.

343. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анҳу):

“Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Зубайр ибн Аввом билан Абдуррахмон ибн Авфга қичима хасталиги са-бабли ипак либос кийишларига рухсат бердилар.

Яна: Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаж са-фариди Зубайр ибн Аввом ва Абдуррахмон ибн Авф битдан шикоят этди. Расулulloҳ уларга ипак кўйлак киймоққа изн бердилар” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Тери (қичима, қўтир, темиратки), аллергия касалликлар ёки бит сабабли эркакларга ипак (шойи) либослар кийишга рухсат берилган.

344. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу):

“У киши етти юз дирҳамга бир жория сотиб олди ва қар-зини ўтамасдан унинг соҳибини йўқотиб қўйди. Бир йил жориянинг соҳибини ахтариб тополмади ва пулни бир дирҳам, икки дирҳамдан бўлиб-бўлиб садақа эта бошлади.

– Ё Аллоҳ, бу садақани фалончи номидан қабул эт! Агар соҳиби келса, садақа менинг номимдан бўлгай. Қарзни ҳам менинг қарзим сифатида ҳақиқийлаштиргин, – дер эди.

Ибн Масъуд яна бундай деди:

– Эгаси топилмаган топилдиқ борасида шундай ҳаракат этинг” (*Бухорий ривояти*).

345. Ибн Аббосдан (розияллоху анху):

“Пайғамбаримиз (соллаллоху алайхи ва саллам) (уриштирмақ учун) ҳайвонларни тутқун қилишни ва жангга солишни тақиқладилар” (*Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Изоҳ:

Туя, эчки, хўроз, хўкиз каби ҳайвонларни кўнгилишушлик учун уриштириш Ислолда ман этилган.

346. Муҳаммад ибн Яҳёдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайхи ва саллам) дедилар:

“Сиздан биров мўлликка эришгач, иш кийимидан ташқари, алоҳида бир жума либосини ўзига тайин этса, зиммасида исроф гуноҳи йўқ” (*Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти*).

Изоҳ:

Жума ва ҳайит намозлари учун иш ва кунлик кийимидан ташқари тоза бир либосга эга бўлмоқнинг динда ман этилмагани ва исрофдан ҳам саналмаслиги ҳадисда ифода этилмақда.

Шунингдек, алоҳида махсус либоси бўлмаса-да, жума куни гўзал ва покиза кийинишнинг мустаҳаб эканига ҳам ҳадисда ишорат бор.

347. Ҳазрат Алидан (розияллоху анху):

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайхи ва саллам) бир миқдор ипакни олиб, ўнг кафтларига қўйдилар. Маълум миқдор олтин олиб, чап кафтларига қўйдилар ва марҳамат этдилар:

“Шу икки нарса умматимнинг эркакларига ҳаром” (*Абу Довуд ва Насоий ривояти*).

348. Ибн Умардан (розияллоху анху):

“Пайғамбаримиз (соллаллоху алайхи ва саллам) марҳамат этдилар:

– Аллоҳ либосини кибр билан ерга судраб юрувчиларга (раҳмат назари билан) боқмайди.

– Ё Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)! Мен ҳам диққат қилмай қолсам, кийимим ерга судралади, – дедилар ҳазрат Абу Бакр.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жавоб бердилар:

– Сиз бу ишни кибр билан қилувчилардан эмассиз” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

349. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Жаннат аҳлининг вужуди туксиз, юзи соқолсиз, кўзлари сурмалидир.

Ёшликлари сўнгсиз, либослари эскирмасдир” (*Термизий ривояти*).

350. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу):

“Сўрадим:

– Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ наздида энг катта гуноҳ қайси?

Жавоб бердилар:

– Сизни Яратган Аллоҳга шерик қўшишингиз!

Дедим:

– Кейин қай бири?

Дедилар:

– Молингиз ва таомингизни қизғониб фарзандингизни ўлдиришингиз.

Дедим:

– Яна қайси бири?

Марҳамат этдилар:

– Қўшнингизнинг аёли билан зино қилмогингиз” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

351. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу):

“Келишган бир киши Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўради:

– Ё Расулуллоҳ, мен гўзалликни севаман. Кўрганингиздек, менга ҳам гўзаллик берилган. Биров пойафзал боғича бўлса ҳам гўзалликда мендан ўтмоғини ёқтирмайман. Шу кибрданми?

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

– Йўқ, кибр фақат ҳақни тан олмаслик ва халқни таҳқир этишдир” (Абу Довуд ривояти).

352. Жобир ибн Атиқдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Рашкнинг Аллоҳ яхши кўрадигани ва ёмон кўрадигани бор. Аллоҳ яхши кўрган рашк киши шубҳа ҳолида туйган рашкдир. Аллоҳ ёмон кўрадиган рашк шубҳа бўлмасдан қилинган ғашликдир” (Абу Довуд ва Насоий ривояти).

353. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Кўнглида хардал донасича имони бор киши дўзахда қолмайди. Қалбида хардал донасигача кибри бўлган эса жаннатга кирмайди” (Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Изоҳ:

Кишини жаннатдан маҳрум этувчи нарса кибр туйғусидир. Қалбида имони бор киши кофир сингари жаҳаннамда абадий қолмайди. Чунки мўминларда имон билан бирга жазога лойиқ гуноҳлар ҳам бўлиши мумкин.

354. Асмо бинт Язиддан (розияллоҳу анхо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Эй инсонлар! Парвона ўзини оловга урганидек, сизни ёлғонга йўлловчи недир?

Уч ҳолдан ташқари инсонга ёлғон ҳаромдир.

биринчиси – эр-хотинни яраштириш учун ёлғон сўзлаш;

иккинчиси – аскар жангда душманни адаштирмоқ, ғафлатда қолдирмоқ учун ёлғон маълумот бериши. Чунки ҳарб хийладан иборат (урушда ёлғон ташвиқот жоиз);

учинчиси – икки мусулмонни яраштириш, орасини, муносабатини яхшилаш учун ёлғон гапириш” (Термизий ривояти).

355. Ҳазрат Бурайдадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Биз кимни бир ишга тайин этиб, бир ризқ тайинласак, тайинланганидан ташқари олгани ғулл (давлат молидан ўғирлаш)дир” (Абу Довуд ривояти).

Давлат, жамоат маъмуриятлари маошидан ташқари давлат хазинасидан ўзлаштириши, хизматни суиистеъмом этиши, халқдан пора талаб этиши ва олиши ҳаромдир. Ҳадисда бу ҳол ўғирлик, дейилмоқда.

356. Абдуллоҳ ибн Саъдийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Сен истамаган, кутилмаган ҳолда келган молни ол. Бошқа ҳолда нафсинг ўша мол ортидан эргашмасин” (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Изоҳ:

Бир мол, мукофот, ютуқ, фойда кутилмаганда келса, олинади. Аллоҳ лутф этган ҳалол ризқдир. Ҳақи бўлмаган бир фойдани, ҳадяни илтимос ва талаб қилиб олмоқ эса, ҳадис ифодасига кўра, нафсини ўша молга топшириб қўймоқ бўлади.

357. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо):

“Еганларингизнинг энг покизаси ўз меҳнатингиз билан топганингиздир. Фарзандларингиз ҳам ўз касбингиздандир” (*Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривояти*).

Изоҳ:

Энг покиза мол пешона тери билан топилган молдир. Бошқа томондан, ҳадисда, фарзанд моли ота-онага ҳам ҳалол экани, ўзининг моллари каби фарзандидан рухсатсиз унинг мolidан фойдаланишлари мумкинлиги ифода этилмоқда.

358. Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Киши ёши хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, жаннатга ўттиз ёшли бўлиб киради.

Сўнг бу ёшдан каттармайди. Дўзахийлар ҳам шундай” (*Термизий ривояти*).

359. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Аллоҳ таоло жаҳаннамга икки бор нафас олиш учун изн берди.

Бир нафас олиши қишда, яна бир нафас олиши эса ёзда. (Ёздаги нафас) сиз дуч келган энг шиддатли саратон (чилла) иссиғидир.

(Қишдагиси эса) сиз билган энг шиддатли (чилла совуғи) замҳарирдир” (Бухорий ва Муслим ривояти).

360. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Жаҳаннам атрофи нафс ёқтирадиган нарсалар билан ўралган.

Жаннат атрофи эса нафс ёқтирмайдиган нарсалар билан куршалган” (Термизий ривояти).

361. Ҳазрат Бурайдадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Агар Аллоҳ сени жаннатга қўйса, кўнглинг тортган, кўзинг қувонадиган ҳар нарса бор, ҳар нарса топилгайдир” (Термизий ривояти).

Изоҳ:

Киши севган ҳар нарса жаннатга муносиб гўзаллик ва мукамалликда мавжуд. Жаннатда бўлмаган, бўлмайдиган нарса эса киши жаннатда кўришни истамайдиган нарсадир.

362. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

«Аллоҳ таоло азоби энг енгил дўзахийдан сўрайди:

– Агар дунё ичидаги ҳамма нарсаси билан сеники бўлса, шу азобдан қутулиш учун берармидинг?

Дўзахий одам:

– Ҳа, – дегай.

Аллоҳ таоло шундан сўнг:

– Сен ҳали одам сулбида экансан, Мен сендан бундан енгилроғини сўраган эдим:

“Менга ҳеч нарсани шерик қилма, Мен сени оловга қўймайин, жаннатимга киритайин” деган эдим.

“Сен эса бунга яқин келмай, ширкка кирдинг”, дейди (Бухорий ва Муслим ривояти).

363. Ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Уч жойда ҳеч ким ҳеч кимни эсламайди:

– Мезон (тарозу) ёнида, ўз ўлчови оғир ёки енгиллигини билгунга қадар.

– Амал саҳифалари тарқатилганида. Амаллари дафтари қай томондан берилади: ўнгданми, чапданми, билгунга қадар.

– Жаҳаннамнинг икки чети орасига қурилган Сирот устида. Кўприкдан ўтгунга қадар” (Абу Довуд ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадисда инсон учун Маҳшардаги уч қалтис ҳолдан хабар берилмоқда.

364. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Қиёмат куни киши амаллари ичида энг аввал намоздан ҳисоб беради. Бу ҳисоб гўзал бўлса, нажотга эришди. Бу ҳисоб ёмон бўлса, хусрон (зиён)га тушди, демакдир. Агар қулнинг фарзларидан бир камчилик чиқса Аллоҳ таоло марҳамат этади:

– Қаранг-чи, қулимнинг нафл намозлари борми? Камчилиги нафллар билан тўлдирилади. Кейин шу тарзда, бошқа-бошқа амаллари ҳам ҳисобдан ўтказилади” (Термизий ва Насоий ривояти).

365. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Қиёмат куни инсонлар орасида илк сўраб-суриштирилиб, сўроққа тутилиб, ҳукми бериладиган нарса қон даъвосидир” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Инсонлар билан алоқадор ҳуқуқда илк сўроққа тортилдиган даъволар қонга алоқадор даъволар бўлишига ишорат бор. Зеро, ноҳақ қон тўкмоқ ниҳоят даражада улкан оғир гуноҳдир.

366. Ибн Масъуддан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Қиёмат фақат ёмон инсонлар узра қоим бўлади” (Муслим ривояти).

Изоҳ:

Одамлар дунё охирини ўз қўллари билан ҳозирлайдилар. Наслий, эътиқодий, ахлоқий айнишлар, бузилишлар каби сиёсий, иқтисодий, ҳарбий соҳаларда ҳам шундай ҳодисалар рўй беради. Ёмон инсонлар дунёни бошқариши боис бузилиши жаҳон бўйлаб ёйилади, натижада ер юзи ёмонликка тўлиб, яхшилар яшаши мумкин бўлмай қолади.

Қиёмат ана шундай одамлар ёмонлик, зулм мошинаси ҳолига келган даврда бўлади.

367. Каъб ибн Моликдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Мўминнинг руҳи жаннат дарахтида ардоқли куш бўлади.

Қайта тирилиш кунида Аллоҳ уни жасадига қайтаргунича ўша ерда нарвариш қилинади” (Насоий ва Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Жаннатда куш бўлиб ардоқланувчи руҳлар шаҳидлар ва мужоҳидлар руҳи экани баён этилган. Бошиқа руҳлар баъзан кўкда, баъзан мозорида бўлажақлар. Руҳнинг куш бўлиши эса, Аллоҳ амри билан куш шаклига киришидир. Бу гўё инсон шаклини олган малак каби ҳолдир. Ҳадисни руҳ жаннат қушининг баданига кириши тарзида қабул қилувчилар ҳам бор.

368. Ҳазрат Хузайфадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Дунёда одамларнинг энг бахтиёрлари энг пасткаш, насли бетайин кимсалар бўлмагунча қиёмат бўлмайди” (Термизий ривояти).

369. Ҳазрат Анасдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Замон яқинлашмагунча қиёмат бўлмайди. Бу яқинлашмоқ шундай бўлур: йил бир ой каби, ой бир ҳафта каби, ҳаф-

та бир кун каби, кун бир соат каби, соат эса бир чироқ туташ-моғи каби қисқа бўлади” (Термизий ривояти).

370. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Харж ортмагунча қиёмат бўлмайди.

– Харж нима, Ё Расулуллоҳ?

– Ўлдириш, ўлдирилиш” (Муслим ривояти).

Изоҳ:

Қиёматга яқин ер юзида фитна, ўлиш, ўлдириш ортиши ҳадисдан англашилмоқда. Турли қирғин қуроллари, узоқдан туриб йўқ қилувчи ракеталар, бомбалар ҳадис (берган хабар) ни тасдиқ этмоқда. Бир отарлар кўп отарларга, оммавий қирғин қуролларига айланди.

371. Ҳазрат Анасдан (розияллоху анху):

“Бир одам Расулуллоҳдан (соллаллоху алайҳи ва саллам) сўради:

– Қиёмат қачон бўлади?

Аллоҳнинг пайғамбари бир муддат сукут саклаганларидан кейин, ёнларидаги Азд қабиласига мансуб бир болани кўрсатиб, дедилар:

– Мана бу йигитча кекса чол бўлмасдан аввал, сизнинг қиёматингиз бўлгайдир” (Муслим ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадисга кўра, ҳар кимнинг ўлими ўзи учун қиёмат ҳукмидадир. Дунёнинг ажали бўлган умумий қиёматдан кўра кўпроқ ўз ажалимиз бўлган шахсий қиёматимизга диққат-эътибор қаратишимиз жуда муҳим.

372. Ҳазрат Умардан (розияллоху анху):

“Расулуллоҳни (соллаллоху алайҳи ва саллам) (бошқанинг фойдаси учун) ўз нафсларига қасос қўллаётганини кўрдим” (Насоий ривояти).

Изоҳ:

Расулуллоҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) адолатга катта аҳамият беришларига диққат тортилмоқда.

Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гоҳ-гоҳ:

– Кимнинг менда ҳақи бўлса, келиб олсин, кимни ноҳақ урган бўлсам, келиб урсин, – дер эдилар умматга эшиттириб. Кунунлар татбиқида ўзларига алоҳида муомала, фарқли обрў-эътибор истамасликларини билдирардилар. Ислом ҳуқуқига кўра, қонун олдида оддий халқ билан ҳар қандай раҳбар тенгдир, жиноятга жазо олишида ҳам...

373. Ҳазрат Анасдан (розияллоҳу анҳу):

“Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар қачон бир қасос даъвоси келтирилса, доим жабр кўрган тарафга қарши тарафни афв этмоқни тавсия қилганларини кўрдим” (Абу Довуд ва Насоий ривояти).

Изоҳ:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қасос даъволарида мақтул тарафга доим кечиримли бўлишни тавсия этардилар. Зеро, ўлим жазоларини татбиқ этмоқ, амалга оширмақ у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оғир келарди. Ўлганнинг Аллоҳ ҳузуринда буюк мукофотга қовушганини у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билардилар. Қотилни ўлдирши эса, интиқом туйғусини қониқтирса ҳам, жабр кўрган тарафнинг ғамини кетказмаганини кўрардилар. Шунинг учун қасос ўрнига товон тўлашни афзал кўришларини айтардилар.

374. Умму Хонидан (розияллоҳу анҳо):

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Ким Аллоҳ уни афв этишини билса (умид қилса) у афв этилгандир, кечирилгандир” (Имом Абу Ҳанифа “Муснад”да ривоят қилган).

375. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Бировингиз бир мажлисга борганида салом берсин. Ўтирмақ истаса, ўтирсин. Турганида яна салом берсин, мажлисга киришда берилган салом мажлисдан чиқишда берилган саломдан афзалроқ эмас” (Абу Довуд ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадисда бир жамоатга кирмоқ ва чиқмоқнинг одоби фойда этилмоқда.

376. Абдуллоҳ ибн Зайд Ансорийдан (розияллоҳу анҳу):

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “мусла” ва “яғмо”ни ман этдилар” (Бухорий ривояти).

Изоҳ:

Мусла – ҳайвоннинг ёки инсоннинг аъзоларини кесиш. У жоҳилият даврида тирикларга ҳам, ўликларга ҳам қўлланиларди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай бераҳмликка барҳам бердилар. Маъсум бир инсонга қўлланмаганидек, бундай исканжа, азоб ҳатто ўлим жазосига маҳкум қотилга ҳам жоиз кўрилмайди.

Яғмо – бошқанинг молини ошкор талон-тарож қилиш.

377. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Сиздан ҳар бир киши оёқ кийимини ўнгидан кийсин. Ечаётганида аввал чапини ечсин” (Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривояти).

378. Амр ибн Шуайбдан (розияллоҳу анҳу):

“Ким сохта табиблик қилса, давосидан хасталар фойда кўрмаса, харажат ва зарарларни тўлайди” (Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳукм фақатгина тиб соҳасига дахлдор қоида эмас. Барча ихтисосларга тааллуқли. Сохта билим билан сохта диплом олувчиларга ва шу диплом билан фаолият кўрсатувчиларга ҳам алоқадор. Етказган зарарларини тўлаш мажбуриятидалар.

379. Уҳбондан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Мусулмонлар орасида фитна чиққанида ўзингизга тахтадан бир қилич ясаб олинг” (Термизий ва Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Мусулмонлар орасида фитналар, яъни бир-бирини яра-лашлар, ўлдиришлар, мол ва жонига қасд этиш ҳолатлари пайдо бўлса, онгли мусулмонлар бундай шиддатли воқеалардан узоқ туришни афзал кўрадилар. «Тахтадан қилич қилиш» тавсияси кўнглига одамларга зарар бериш туйғусини йўлат-маслик мавносида.

380. Ибн Аббосдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Марҳумларимизни ёмонламанг, сўкманг. Акс ҳолда, тирикларимизни ранжитган, хафа қилган бўласиз” (*Насоий ривояти*).

Изоҳ:

Бир одамнинг кечмишида ёмон кимсалар, хайрсиз қариндошлар бўлиши мумкин. Ўлиб кетган бу инсонлар у дунёда ўзларига лойиқ бўлганини кўрмоқдалар. Қилмишига муносиб жазосини олмоқдалар. Аммо ўша марҳум кишиларни ёмонламоқ, сўкмоқ, тирик бўлган яқинларини хафа қилиши мумкин. Ўлганларни ўринсиз сўкиб, тирик яқинларини ранжитиш исломий одобга зид.

381. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар:

“Одамларга шукр этмаган Аллоҳ шукр этган бўлмайди” (*Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

382. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Эснасангиз, оғзингизга қўлингизни қўйиб, бекитинг” (*Ибн Можа ривояти*).

Изоҳ:

Эснаш чарчоқ, бўшашиш, танбаллик ифодасидир. Жамоат ичида бу ҳолда суҳбатлашиш ҳурматсизлик ва адабсизликнинг бир туридир. Шу сабаб эснаш ҳолини иложи борича яшириш керак.

383. Абу Хурайрадан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Киши ўлганида шу уч нарсадан бошқа амалларининг савоби тўхтайд:

- садакаи жория – ўзидан қолдирган одамлар фойдаланаётган хайрли асар, из (масжид, ариқ, сув, кўприк қуриш каби);
- ундан қолиб, одамлар фойдаланаётган илм (китоб);
- ҳаққига дуо этувчи солих фарзанд” (Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти).

Изоҳ:

Демак, ортида одамларга фойдали асар, из, фарзанд, шогирд қолдирган кишининг ўлими билан савоб қозониши имкони яти йўқолмайди.

384. Ҳазрат Жобирдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Шайтон тушда бирингиз билан ўйнаганида, буни бошқаларга айтманг” (Муслим ва Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Инсон тушидаги аралаш-қуралаш, тушуниксиз кўринишларни, шайтоннинг ўйини сифатида қабул қилиб, буни бошқаларга айтиб юрмаслиги керак.

385. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Сиздан бирингиз яратилиш ва мол жиҳатдан юқорироқларни кўрса, дарҳол ўзидан ночорроқларга қарасин” (Термизий ва Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Киши ўзи эга бўлган неъматларнинг фарқига бориши, шукр этиши учун шундай қилиши керак. Яъни, доимо ўзидан ҳар жиҳатда олдинда бўлганларга эмас, ночорроқ бўлганларга боқиб, ҳолига шукр этиши лозим.

386. Зайд ибн Арқамдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Киши бажариш нияти билан диндошига сўз бериб, кейин бир узрли сабаб бўлиб бажаролмаса, унга ҳеч бир гуноҳ йўқ” (Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Изоҳ:

Сўз беришда самимий ва тўғри ниятнинг эътиборли экани англашилмоқда. Ихтиёридан ташқари тўсиқли ҳоллар сўз эгасини жавобгар қилмайди.

387. Абу Айюб Ансорийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Тўрт нарса пайғамбарларнинг суннатидир:

- хаё (гуноҳ ва айбли ишдан сақланиш) туйғуси;
- хушбўйлик сурмоқ;
- уйланмоқ, оила, турмуш қурмоқ;
- мисвок ишлатмоқ” (Термизий ривояти).

388. Асмо бинти Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳумо): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Кучинг етгунча садақа бер. Хасислик қилма, Аллоҳ ҳам сендан эҳсонини аямайди” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Ҳар ким ўзи муҳтожликда, қийинчиликда қолмайдиган миқдорда имкони ва кучи етгунча садақа беришига ташвиқ этилмоқда. Бор бўлиб, хасислик қилиб, муҳтожга бермаган, қийин аҳволда қолганларга қарашмаган Аллоҳнинг эҳсон ва икромидан маҳрум бўлишини унутмаслиги лозим.

389. Муоз ибн Анасдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Неча-неча минилган ҳайвон бор, минувчисидан хайрлироқдир. Аллоҳни ундан кўпроқ зикр этур” (Доримий ривояти).

Изоҳ:

Раббидан ғофил ёки мункир минувчидан Холиқини зикр этувчи ҳайвон хайрли экани ифода этилмоқда.

390. Саҳл ибн Саъддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Дунёга кўнгил берма, Аллоҳ сени севади. Бировларнинг қўлларидагиларга кўз тикма, одамлар сени севади” (Ибн Можа ривояти).

Изоҳ:

Бу ҳадисда инсонлардан ва дунёдан зуҳд қилиш тавсия этилмоқда. Дунёдан зуҳд жисмонан дунёга қўл силтаб, этак қоқмоқ, ишни, меҳнатни ташлаб, мискинлашмоқ эмас. Дунёдан маънавий узишмоқ, яъни кўнгил бериб дунёни севмасликдир. Бундай кишиларни Аллоҳ севади. Инсонлардан зуҳд эса, инсонлар қўлидагига кўз тикиб, тама, ҳасад қилмасликдир. Бундай кишиларни одамлар ҳам яхши кўради...

391. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): «Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Қўлинг билан (хофизангга) ёрдам эт”, деб ёзишга ишора этдилар» *(Термизий ривояти).*

Изоҳ:

Бу ҳадисда ҳаётда муваффақиятли бўлиш тамойилларидан бирига диққат тортилмоқда. Бу эса, инсон кўрган, эшитган, ўқиган муҳим фикрларни маълумот ҳолида қайд этиб боришидир.

Шу тариқа киши тажрибаларни ёзиб, фойдаланиши мумкин. Бу ҳадисда кундалик тутмоққа ҳам бир ташвиқ бор, дея оламиз.

392. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

«Бир киши йўлда тиканга дуч келди. Ўз-ўзича: “Бу тиканни олиб ташлайман. Мусулмонларга, инсонларга зарар бермасин”, деди. Шу туфайли унинг гуноҳлари кечирилди» *(Бухорий ва Муслим ривояти).*

393. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Маййитни қабрга тезроқ қўйинг. Агар солиҳ киши бўлса, бу унга хайрли. Уни дунёдан яхшироқ бўлган жойига эртароқ етказган бўласиз.

Агар ярамас одам бўлса, бу унга ёмон ва сиз уни олдинроқ тезроқ елкангиздан туширган бўласиз” *(Бухорий, Абу Довуд, Ибн Можа ва Насоий ривояти).*

Изоҳ:

Майитнинг яхши одам бўлгани ҳам, ёмон одам бўлгани ҳам унинг кечиктирилмай дафн этилишини зарур қилган бир аҳволдир.

394. Саъд ибн Абу Ваққосдан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Ер юзида мўмин кул гуноҳсиз юрадиган ҳолга келгунига қадар балолар унинг ёқасидан тушмайди (ёқасини қўйиб юбормайди)” (Термизий, Ибн Можа ва Доримий ривояти).

Изоҳ:

Аллоҳ бало ва изтиробларни мўмин қулига дунёда азият бермоқ, машаққатга қўймоқ учун юбормайди. Аксинча, охирада абадий азобга тушмоқдан, битмас-туганмас қийноқлар чекишдан қутулиши учун юборади.

395. Ибн Умардан (розияллоху анху): Аллоҳ Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Сен бошқалар учун офият тила, худди шундай офият сенга ҳам насиб бўлади” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Аллоҳдан доим одамларнинг яхши бўлишларини тилаш керак. Аллоҳ доим инсонлар яхшилигини, соғлигини, муваффақиятини, омадини ўйлаган ва буни чин дилдан истаган, сўраган хайрихоҳ қулига айни гўзалликлар ато этмоқни ваъда қилган. У ҳолда, ўз яхшилигини ўйлаган одам аввало, бошқалар яхшилигини тилаши керак.

396. Абу Масъуддан (розияллоху анху):

“Расуллуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) (хизматчисини урган Абу Масъудга) марҳамат этдилар:

– Эй Абу Масъуд! Билки, Аллоҳнинг сенга қудрати сенинг бу хизматчига кучинг етганидан зиёда етади” (Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Изоҳ:

Инсон қўл остидаги ҳимоясиз хизматчи, ишчи каби одамларни қийнаши, эзишини бу ҳадис тақиқламоқда.

397. Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:

“Ҳақиқий молинг охиратга йўллаганинг, юборганингдир” (Бухорий ривояти).

Изоҳ:

Инсон дунёда қўлга киритган мол-мулк, бойлик яшаган муддатича унинг тасарруфидадир. Лекин ўлимдан сўнг, кас-саларда, банк ҳисобларида, васиқаларда мавжуд бўлганларнинг ҳеч бири соҳиби билан қабрга кирмайди. Қабрда, қабрдан нарисида унга фойдаси тегмайди. Дунёда молим деган нарсалар унга моллик қилмоқдан, унинг моли бўлмоқдан чиқадди. Ўлимдан сўнгги мол-мулки, бойлиги фақат дунёда хайрга сарф этганлари, яхшиликка, яхшилик қилишга ишлатганлари, эзгуликка харжлаганлари, хайрли хизматлар қилган мол-давлатдир.

398. Абу Мусо Ашъарийдан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

“Умматим марҳаматга ноил бўлган бир умматдир. Охиратда азоб кўрмагай. Унинг жазоси дунёда оғир имтиҳонлар, зилзилалар, ўлдиришлар ва балолар шаклида берилади” (Термизий ривояти).

Изоҳ:

Мусулмонлар Аллоҳ раҳматига ноил бир умматдир. Бу раҳматга ноил бўлиш охиратда гуноҳлари муқобилида тортадиган азобни дунёда бошига тушган мусибатлар билан чекиб, охиратга гуноҳсиз бориш шаклида пайдо бўлмоқда.

399. Муғира ибн Шуъбадан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Аллоҳ сизга оналарингиз ҳуқуқини суиистеъмол қилиб, топтаб, азият беришни, қиз болаларингизни тириклай кўмишни, ҳеч нарса бермай, фақат сўрашни ҳаром қилди” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ:

Ҳадисда уч хусусга диққат тортилмоқда:

– онанинг ҳурмат ва хизмат ҳақи барча ҳақлардан устун бир ҳақ;

– қиз болаларни инсон ўрнида кўрмай, номус баҳонаси билан қонхўрларча ўлдирмоқни, тирик кўймоқни мубоҳ ҳисобламоқ Ислолда қатъиян тақиқланади;

– киши фақат бошқалардан талаб этувчи, сўровчи, бошқалардан кутувчи эмас, ўзи ҳам бошқаларга берувчи бўлиши керак.

400. Савбондан (розияллоҳу анҳу): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар:

“Эй Савбон! Қишлоқларда ўтирма. Чунки қишлоқларда ўтирган мазорларда ўтирган кабидир” (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да ривоят қилган).

Изоҳ:

Ҳадисда қишлоқларда ўтирма, дейилишининг сабаби илм ва маданиятга яқин бўлиш даъватидир. Мўминнинг илмдан, ирфондан, назокатдан узоқ қолиши ҳалокатга ўхшатишмоқда.

(Ҳадис алоҳида кишига нисбатан айтилганини қабул қилувчилар бор. Шу билан бирга ҳадисда қишлоқларни бутун тарқ этишига ёки беписанд бўлишига эмас, билвақс, қишлоқларни илм ва маданият, меҳнат ва истироҳат диёрларига айлантиришига тарғиб бор.)



Диний-маърифий нашр

ПАЙҒАМБАРИМИЗДАН
400
ОЛТИН СЎЗ

Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз МАНСУР
Нашрга тайёрловчилар Йўлдош ЭШБЕК,
Абдумурод ТИЛАВОВ
Муҳаррирлар Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ
Жамшид ШОДИЕВ
Бадий муҳаррир Шухрат ОДИЛОВ
Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ
Мусахҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ № 146. 2009. 14. 08.
Босмахонага 2013 йил 26 августда берилди. Босишга 2013 йил 28
августда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60 x 84¹

Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 3,71. Шартли б. т.: 6,5

Адади: 8000 нусха.

312-сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Мовагуннаһ” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: m-nashr@yandex.ru.

Тел: (8-371) 227-34-30

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур кўчаси 86-уй.
www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz

ПАЙҒАМБАРИМИЗДАН
(алайҳиссалом)

400
ОЛТИН СЎЗ

Ушбу китобдан Имом Бухорий,
Имом Термизий, Имом Муслим,
Имом Аҳмад, Абу Довуд каби улуғ
муҳаддисларнинг асарларидан,
шунингдек, мазҳаббошимиз Имоми
Аъзам Абу Ҳанифанинг “Муснад”
китобидан саралаб олинган тўрт
юз ҳадиси шариф ўрин олган.

